

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

**АУДИОВИЗУАЛ ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯ КАФЕДРАСИ**

МЕЛИҚУЛОВА МАВЛУДА ТОҒАЙМУРОД ҚИЗИ

**БОЛАЛАР ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИКАСИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ**

(Миллий ва халқаро тажриба: қиёсий таҳлил)

**мавзусида 5320400 – халқаро журналистика таълим йўналиши
бўйича бакалавр даражасини олиш учун**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”

Аудиовизуал журналистика ва оммавий
коммуникация кафедраси мудири

_____ ф.ф.д. Х.Дўстмухамедов

2014 йил “____” _____

ИЛМИЙ РАҲБАР:

Ф.Раҳимова

2014 йил “____” _____

Тошкент – 2014

ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ:

Факультет декани: _____ А.Нурматов
Кафедра мудири: _____ Х.Дўстмухамедов
Илмий раҳбар: _____ Ф.Раҳимова
Расмий тақризчи: _____ Ш.Жўраев

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: БОЛАЛАР ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИКАСИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ
(Миллий ва халқаро тажриба: қиёсий таҳлил)**

ДАК қарори: ўзбек гуруҳи талабаси Мелиқулова Мавлуда

Тоғаймурод қизининг битирув малакавий иши

«_____» га баҳолансин.

«_____» _____ 2014 йил

ДАК раиси:

Б.Алимов

ДАК котибаси:

Ф.Раҳимова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Факультет: Халқаро журналистика

Кафедра: Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация

Таълим йўналиши: Халқаро журналистика

“Тасдиқлайман”

Аудиовизуал журналистика ва
оммавий коммуникация кафедраси
мудир

ф.ф.д. Х.Дўстмухамедов

“ ____ ” _____ 2014 й.

Битирув малакавий ишни бажаришга

ТОПШИРИҚ

Мелиқулова Мавлуда Тоғаймурод қизи

1. БМИ мавзуси: “Болалар тележурналистикасининг шаклланиши ва тараққиёти (миллий ва халқаро тажриба: қиёсий таҳлил)”

2. БМИ мавзуси университетнинг 2013 йил 31 декабрь 275/б-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

3. Тугалланган ишни топшириш муддати: 2014 йил “24” май

4. Битирув малакавий ишни ёзиш бўйича кўрсатма:

а) ишнинг бошланғич маълумотлари: меъёрий ҳужжатлар, Президент асарлари, мавзуга тегишли илмий-услубий ва назарий манбалар, телекўрсатувлар архиви;

б) иш таркиби: кириш, 2 боб, 6 фасл, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати

в) ишнинг умумий ҳажми: ____ бет

г) ишнинг иловаси: мавзуга оид жадваллар, диаграммалар ва тадқиқот бўйича чоп қилинган мақолаларнинг нусхаси;

д) ишни ёзиш режа-жадвалини 2014 йил “5” майгача тақдим этиш;

е) ишни меъёрий талабларга мувофиқ расмийлаштириш 2014 йил “30” май.

6. Топшириқ берилган кун: 10.10.2013

Илмий раҳбар

Ф. Раҳимова

Битирувчи

М. Мелиқулова

Битирув малакавий ишнинг ҳар бир боб ва бўлимида бажариладиган ишларга маслаҳатлар

№	БМИ боб ва бўлимларининг номлари	Илмий раҳбарнинг Ф.И.Ш	Топшириқ берилган сана, имзо	
			Топшириқ берди	Топшириқ олди
I.	Болалар телевидениесининг шаклланиш асослари	Ф. Раҳимова	10.10.2013	10.10.2013
1.1.	Болалар тележурналистикаси пайдо бўлишининг тарихий зарурати	Ф. Раҳимова	10.10.2013	10.10.2013
1.2.	Болалар тележурналистикасининг ўзига хос хусусиятлари	Ф. Раҳимова	10.10.2013	10.10.2013

1.3.	Болалар аудиторияси билан ишлашнинг психологик асослари	Ф. Раҳимова	10.10.2013	10.10.2013
II.	Болалар тележурналистикасида эфир таснифи, мавзулар кўлами ва маҳорат масалалари	Ф. Раҳимова	20.01.2014	20.01.2014
2.1.	Болалар телевидениесининг эфир таснифи	Ф. Раҳимова	20.01.2014	20.01.2014
2.2.	Болалар телевидениесида мавзулар кўлами	Ф. Раҳимова	20.01.2014	20.01.2014
2.3.	Болалар тележурналистикасида маҳорат масалалари	Ф. Раҳимова	20.01.2014	20.01.2014

Битирув малакавий ишни бажариш жадвали

№	БМИ боб ва бўлимларининг номлари	Бажариш муддати	Бажарилганлиги ҳақида илмий раҳбар имзоси
I.	Болалар телевидениесининг шаклланиш асослари	17.01.2014	
1.1.	Болалар тележурналистикаси пайдо бўлишининг тарихий зарурати	17.01.2014	
1.2.	Болалар тележурналистикасининг ўзига хос хусусиятлари	17.01.2014	

	Болалар аудиторияси билан ишлашнинг психологик асослари	17.01.2014	
II.	Болалар тележурналистикасида эфир таснифи, мавзулар кўлами ва маҳорат масалалари	14.04.2014	
2.1.	Болалар телевидениесининг эфир таснифи	14.04.2014	
2.2.	Болалар телевидениесида мавзулар кўлами	14.04.2014	
2.3.	Болалар тележурналистикасида маҳорат масалалари	14.04.2014	

Ўзбекистон давлат жахон тиллари университети
халқаро журналистика факультети
аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедрасининг
10-сонли мажлиси баённомасидан

КУЧИРМА

Тошкент ш.

2014 йил 7 май

ҚАТНАШДИЛАР: кафедра аъзолари

КУН ТАРТИБИ:

- 1. 4-босқич талабаларининг битирув малакавий ишларини ҳимояга тавсия этиш.**

ЭШИТИЛДИ: 402-гуруҳ талабаси Меликулова Мавлуданинг “Болалар тележурналистикасининг шаклланиши ва тараққиёти (миллий ва халқаро тажриба: қиёсий таҳлил)” мавзусидаги битирув малакавий ишининг муҳокамаси.

Қарор қилинди:

402-гуруҳ талабаси Меликулова Мавлуда Фарида Раҳимова раҳбарлигида ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Yoshlar” телерадиоканали ЁАЖ директорининг “Bolajon” телеканали бўйича ўринбосари Шавқиддин Жўраев тақризи остидаги “Болалар тележурналистикасининг шаклланиши ва тараққиёти (миллий ва халқаро

тажриба: қиёсий таҳлил)» мавзусидаги битирув малакавий иши Давлат аттестацияси комиссияси мажлисида ҳимоя қилишга тавсия этилсин.

Кафедра мудири

Х.Дўстмухамедов

Котиба

З.Сирожиддинова

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
--------------------	----------

I БОБ. БОЛАЛАР ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНING ШАКЛЛАНИШ АСОСЛАРИ

1.1. Болалар тележурналистикаси пайдо бўлишининг тарихий зарурати	9
1.2. Болалар тележурналистикасининг ўзига хос хусусиятлари	22
1.3. Болалар аудиторияси билан ишлашнинг психологик асослари ...	32

II БОБ. БОЛАЛАР ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИКАСИДА ЭФИР ТАСНИФИ, МАВЗУЛАР КЎЛАМИ ВА МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

2.1. Болалар телевидениесининг эфир таснифи	41
2.2. Болалар телевидениесида мавзулар кўлами	48
2.3. Болалар тележурналистикасида маҳорат масалалари	54
Хулоса	61
Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати	64
Иловалар	67

КИРИШ

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларнинг маъно-мазмунини жамоатчиликка етказиш, маънавий-маърифий тарғибот ишларининг самарадорлигини ошириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, ёш авлодга ҳар томонлама кўмак бериш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртбошимиз И.А.Каримов “Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўтқир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак”¹, – дея мамлакат ривожини ёшлар келажаги билан боғлиқлигини таъкидлаганлар.

Дарҳақиқат, бугунги кун болалари кечагидан фарқ қилади. Уларнинг яшаш тарзидан тортиб ўй-ю фикрлари, орзулари, ҳатто муаммолари ҳам янгича. Буларнинг барчаси глобаллашув, ахборотларнинг тез суратларда алмашуви эвазига бўлаётган жараёнлардир. Албатта, ёшларнинг, шунингдек болаларнинг янгича фикрлаб, замон билан ҳамнафас юриши бизни қувонтирса, глобаллашув натижасида кириб келаётган янги ахборот технологиялари ва ахборот хуружининг салбий оқибатлари уларга ҳам ўз таъсири кўрсатаётгани кўнглимизни хижил қилади. Дехқонларимиз ниҳолни қанчалик парвариш қилишига қараб, ундан оладиган ҳосилни шунга қараб чамалайди. Ниҳол ҳам шунга яраша ўзини кўрсатади, бўй чўзади. Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳам ниҳолга қиёслаш мумкин. Уни қандай тарбияласа, шу йўсинда вояга етади, улғаяди.

Бугун юртимизда бу борада талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Биргина 1998 йил “Оила йили”, 2000 йил “Соғлом авлод” йили, 2001 йил “Оналар ва болалар” йили, 2008 йил “Ёшлар” йили, 2010 йил “Баркамол

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б.46.

авлод” йили, 2012 йил “Мустаҳкам оила” ва жорий йилнинг “Соғлом бола” йили деб ном берилиши айнан ёш авлодга, ёш оилаларга каратилаётган эътибордан даракдир.

Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлари асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизими шакллантирилди.

Бугунги кунда иқтидорли болалар ва ўқувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсати собитқадамлик билан олиб борилмоқда. Жумладан, 1993 йил 23 апрелда “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, 2002 йил 24 октябрда “Болалар спорти” жамғармаси ташкил этилди. 2008 йил 7 январда Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” ги Қонуни кучга кирди.

2012 йилнинг февраль ойида Юртбошимиз ташаббуси билан пойтахтимизда “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференция ўтказилди. Хорижий давлатлардан келган мутахассислар мамлакатимизда таълим ва тарбиянинг узвий олиб борилаётганини ва унинг самарасини юқори даражада эътироф этишди. Бу борада мамлакат бошқарувчиси, таълим берувчилар билан бир қаторда ота-оналар ҳам тенг равишда масъулиятга эгадир. Зеро, Абдурауф Фитрат айтганидек, қаерда оила муносабати кучли интизом ва тартибга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади.

Эътиборли жиҳати ҳам айнан бизнинг мамлакатимизда таълим тизими тарбия билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Юртбошимиз айтганидек, таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб

бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси.² Болаларнинг маънавий жиҳатдан камол топишида болалар тележурналистикасининг ўрни ҳам алоҳида. Болалар телевидениеси орқали улар илму маърифат саодатидан баҳраманд бўлади, анъанавий урф-одатларимиз, миллий кадриятларимиз, бетакрор тарихимиз қудратини ҳис қилади, унга муносиб бўлишга интилади. Тарбияда энг катта ютуқ ўрнатилган бўлиш дейишади. Бола эшитганидан кўра кўрганини кўпроқ ёдда сақлаб қолади. Такрорланган ҳолатлар ниҳолнинг заминга илдиз отганидек бола хотирасига сингиб кетади. Бу йўлда эса болалар телевидениесининг ўрни ва роли юқори.

Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти. Оммавий ахборот воситалари тизимида болалар тележурналистикаси алоҳида аҳамият касб этади. Болалар телевидениеси бу кечагина пайдо бўлиб қолгани йўқ. Унинг ҳам ривожланиш босқичи, шаклланиш жараёнлари бор. Журналистиканинг соҳа сифатида пайдо бўлиши, унда турли оммавий ахборот воситаларининг юзага келиши, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари, жамиятнинг турли босқичларида қандай ўрин тутган бўлса, болалар телевидениеси ҳам ўша даврлардан бошлаб ўз ўрнига эга бўлиб келмоқда. Журналистиканинг шаклланишида ўз вазифасини адо этиб, оммага, ижтимоий ҳаётга тааллуқли турли масалаларга оид ахборотни етказиб беришдаги мумтоз вазифаси болалар тележурналистикасида ҳам ўз ифодасини топади. Болалар телевидениеси бир вақтнинг ўзида ҳам оммавий коммуникация вазифасини ҳамда катта авлоднинг ёш авлодга ахборот узатиш имконияти мавжуд бўлган “майдон”дан бири саналади. Болалар учун эса у ёру дўстлари билан тенг алоқага чиқадиган макондир. Ёшлар, айниқса, болалар ҳаётига оид турли мавзуларнинг ёритилишида, болаларнинг қизиқишлари, фикр-у ўйларига мос ахборотларни етказишида уларнинг ўз тажрибаси, мактаби бор. Шу маънода ўзбек

² Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б.48.

тележурналистикаси тараққиёти жараёнида болалар телевидениесининг шаклланиши алоҳида эътирофга лойиқ.

Болаларнинг дунёқарашили шакллантиришда, ақл ва идрокини такомиллаштиришда, улар онгида миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдиришда, миллий урф-одатлар, анъаналар руҳида тарбиялашда болалар телевидениесининг ўрни бекиёсдир. Болалар журналистикаси бу алоҳида катта мавзу бўлиб, унинг ҳар бир йўналиши мукаммал тадқиқот ишларини олиб боришга арзигуликдир. Шу ўринда уни икки турга бўлиш мумкин:

Биринчиси, оммавий ахборот воситаларида болалар ҳақидаги ва уларга мос мавзуларнинг кўтарилиши, улар учун алоҳида саҳифалар, эшиттиришлар, кўрсатувлар тайёрланади. Бу каби оммавий ахборот воситаларининг аудиторияси турли ёшдаги қатламни қамраб олади.

Иккинчиси, бу болалар учун журналистика. Бунда оммавий ахборот воситаларининг ҳар бир материали болалар руҳиятидан келиб чиқиб, уларга мослаб тайёрланади. Унинг аудиториясини айнан болалар ташкил этади. Биз ҳам ана шу иккинчи йўналиш бўйича тадқиқот ишимизни олиб борамиз.

Бугунги кунда болалар журналистикасига қаратилаётган эътибор, журналистикада болалар телевидениесининг тутган ўрни, уларнинг вазифаларини, шу билан бирга, бугун болалар телевидениеси аудиториясининг эҳтиёжини қондираётгани, маънавий “озуқа” бера олаётгани, болаларнинг қизиқишлари, мақсад ва ўйлари, шу билан бирга муаммоларини бир сўз билан айтганда болалар ҳаётини қай даражада ёритаяпти шу каби саволларга тадқиқотимиз давомида тўлақонли ўрганиш ва таҳлиллар асосида жавоб топишга уринамиз.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Болалар тележурналистикасини яхлит бир йўналиш сифатида олиб чиқиш, уни янада такомиллаштириш, ёш авлоднинг соҳага бўлган қизиқишини ўстиришдир. Шу билан Ўзбекистон, Россия ва Германиядаги болалар телеканалларини

киёсий-таҳлилий тадқиқ этишдан иборат. Ушбу мақсад қуйидаги вазифалар орқали амалга оширилади:

- миллий ва халқаро миқёсда болалар тележурналистикасининг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш;
- Ўзбекистон, Россия ва Германияда болалар телевидениесининг шаклланиши ва тараққиётини таҳлил этиш;
- болалар телевидениесини шакллантириш жараёнига таъсир кўрсатувчи омилларни тизимлаштириш;
- “Volajon” (Ўзбекистон), “Карусель” (Россия) ва “КІ.КА” (Германия) телеканалларини қиёсий таҳлил қилишдан иборат.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Болалар тележурналистикасига

оид россиялик тадқиқотчиларнинг илмий изланишларини қуйидагича тизимлаштирдик:

- телевидение тарихи ва назарияси: Егоров В.В.³, Кузнецов Г.В.⁴, Цвик В.Л.⁵ ва бошқалар;
- болалар телевидениесининг тарихи ва назарияси: Галочкина А.Г.⁶, Когатько А.Г.,⁷ Юровский А.Я.⁸ ва бошқалар;
- болалар аудиторияси назарияси: Баженова Л.М., Шариков А.В., Щеглова С.Н., Собкин В.С.,⁹ Цымбаленко С.Б.¹⁰

³ Егоров В.В. Телевидение: страницы истории. – М.: Аспект Пресс, 2004.

⁴ Телевизионная журналистика: учебное пособие / под ред. Г.В. Кузнецова. – 4-е изд. – М.: Издательство Московского университета «Высшая школа», 2002.

⁵ Цвик В.Л. Телевизионная журналистика: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по специальности 030601 «Журналистика» / В.Л. Цвик. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИДАНА, 2009.

⁶ Галочкина Г.А. Телевизионное вещание для подростков и юношества. – М.: МГУ, 1973.

⁷ Когатько А.Г. Телевидение для детей : теория, история, перспективная модель функционирования: дис. ... канд. филол. наук. – М., 2007.

⁸ Юровский А.Я. История тележурналистики в России / под. ред. Г. В. Кузнецова, В. Л. Цвика, А.Я. Юровского. – М.: Высшая школа, 2002.

⁹ Баженова Л.М., Собкин В.С., Шариков А.В. Возрастная типология телевизионных ориентаций школьников // В сб.: Телевидение и школа. М.: АПН СССР, 1989.

¹⁰ Цымбаленко С.Б. Российские подростки в информационном мире / С.Б. Цымбаленко, А.В. Шариков, С.Н. Щеглова. – М.: UNICEF – Юнпресс, 1998.

Тадқиқот объекти – “Volajon” (Ўзбекистон), “Карусель” (Россия) ва “KI.KA” (Германия) телеканаллари.

Тадқиқот предмети – Ўзбекистон, Россия ва Германияда болалар телеканалларининг тараққиёт тенденциялари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Болалар тележурналистикасини умумлаштирувчи, унинг ўзига хос психологик омилларини ўрганувчи яхлит бир тадқиқотлар қилинмаган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги замонавий болалар тележурналистикасининг миллий ва халқаро миқёсда шаклланишининг тарихий босқичлари ва тараққиёти, уларнинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон, Россия ва Германия телеканалларининг қиёсий таҳлили асосида ўрганиш билан белгиланади.

Тадқиқотнинг таркибий тузилиши. Кириш, икки боб, олти фасл, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Тадқиқот бўйича чоп қилинган мақола ва тезислар:

1. Германияда болалар телеканаллари фаолиятининг ўзига хосликлари // Замонавий масс медианинг янги тенденциялари ва долзарб муаммолар мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: 2014. – Б. 32-34.

2. Ўзбегимнинг “Volajon”и 1 ёшда! // www.fikr.uz 2 июнь 2014 йил.

I БОБ. БОЛАЛАР ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ АСОСЛАРИ

1.1. Болалар тележурналистикаси пайдо бўлишининг тарихий зарурати

Миллий-маънавий ҳаётимизда болалар журналистикаси узоқ асрлик халқ тарихи, маданияти ва тафаккури, тараққиёти билан узвий алоқадор. У дастлаб жамиятнинг болаликка муносабатини ифодаловчи ҳодиса сифатида халқ оғзаки ижодида, қадимги адабий ёдгорликлар, мумтоз адабиёт намуналари таркибида намоён бўлди. Инсоният тарихининг жамоа бўлиб яшай бошлаган илк даврларидан бошлаб одамлар моддий бойликлар яратиш билан бирга ўз авлодларини яхши тарбиялаш тўғрисида ҳам қайғурганлар. Уларни жасур, кучли, эпчил, ақлли, тадбиркор, ғайратли қилиб тарбиялашга интилганлар. Аллалар, эртақлар, кўшиқлар, ҳазил-хузул шеърлар, эркалатиш, топишмоқ, тез айтиш, табиатга боғлиқ тимсоллар, мақоллар ва бошқа бадиий воситалар билан уларга таъсир ўтказганлар.

Оммавий коммуникация тараққиёти натижасида юзага келган оммавий ахборот воситалари бу воқелик замирида туб ўзгаришларни юзага келтирди. Матбуот, телевидение ва радио, кейинчалик интернетнинг пайдо бўлиши катталар журналистикаси билан бир қаторда болалар журналистикасининг шаклланишига ҳам асос бўлди.

Дунё болалар журналистикаси узоқ ва бой тарихга эга. Болалар нашрларига биринчи тамал тошини қўйган китоб Яна Амоса Коменск томонидан яратилган. У “Мир в картинках” деб номланади. Дунё миқёсидаги биринчи журнал “Лепцигский еженедельный листок” (1772-1774 йиллар) номи остида Германияда чоп этилган. 1777 йилга келиб эса Россияда махсус болалар нашриёти томонидан “Детское чтение для сердца и разума” номли журнал нашр қилинган. 1785-1789 йиллар давомида у “Московским ведомостям” ҳафталик журналига илова шаклида нашр

килинган. Журнал болалар қалби ва идрокини ўстиришга, комил инсон қилиб тарбиялашга хизмат қилишни мақсад қилган эди.

Дунёдаги биринчи болалар телеканали “Nickelodeon” АҚШда 1979 йил апрел ойида ташкил қилинган. Шундан сўнг, турли давлатларда болаларга ихтисослашган телеканалларга асос солина бошланди. Хусусан, 1980 йил Канадада “YTV”, 1981 йил Францияда “Canal J”, 1980 йил Нидерландияда “KinderNet”, 1999 йил Италияда “Raisat Ragazzi”, 2001 йил Австралияда “ABC Kids” ва “Fly TV”.

Вақт ўтиши билан болалар тележурналистикасининг мақсад ва вазифалари, аудиторияга таъсир этиш мезонлари янги тараққиёт босқичлари натижасида шаклланиб борди. Бу жараёнларни тадқиқотимиз объекти сифатида Ўзбекистон, Россия ва Германия болалар телеканаллари фаолияти мисолида кенгроқ ёритишга ҳаракат қиламиз.

1930-1950 йилларда Россия телевидениесида болалар учун асосан анимацион ва бадиий фильмлар кўрсатилар, спектакль ва сахна кўринишлари трансляция қилинар эди.

1939 йилнинг 2 январида эфирга узатилган “Янги йилингиз билан!” дастури болалар учун мўлжалланган илк телекўрсатув сифатида Россия телевидениеси тарихида ўрин эгаллаган. Вақт ўтиши билан турли жанр ва йўналишлардаги “Телевизор”, “Қувноқ эстрада”, “Шифокор Бабернинг саёҳатлари”, “Қуёнчанинг уйи” каби бир қатор тележурнал ва кўрсатувлар эфир юзини кўра бошлади.

1964 йилнинг 1 сентябрь санасидан ҳамма учун бирдек сеvimли бўлган “Спокойной ночи, малыши!” (“Хайрли тун, болажонлар!”) кўрсатувининг илк сони тақдим этилди.

Бугунги кунда Россияда болаларга мўлжалланган 14 та телеканал мавжуд бўлиб, уларнинг 6 таси умуммиллий ҳисобланади. Телеканаллардан фақатгина “Карусель” ва “Дисней” телеканалларини бепул томоша қилиш имконияти мавжуд.

TV Index Plus агентлигининг 2013 йилдаги маълумотларига кўра, Россияда болалар телеканаллари аудиториясининг 45,6%ни 4 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар ташкил этади.

Россияда болаларга мўлжалланган илк телеканал “Детский мир” 1997 йил 29 ноябрда ўз фаолиятини бошлаган. Орадан бир йил ўтиб, россиялик болажонлар аудиторияси тарихда илк болалар телеканалли сифатида эътироф этилган “Nickelodeon” ни кўриш имкониятига эга бўлишди.

1999 йилда адабиёт, тарих, математика фанларига ихтисослашган “Школьник-ТВ” (бугунги кундаги номи “Знание”) телеканалли ташкил этилди.

АҚШнинг “Cartoon Network” телеканалининг кўнгилочар теледастурлари, фильмлари ва мультфильмларини россиялик болажонлар 2005 йилдан бошлаб кўриш имкониятига эга бўлдилар.

Шунингдек, Латвиянинг “Мультимания”, Италиянинг мактаб ёшигача бўлган болалар учун ихтисослашган “JimJam” (2006 йилдан) ва “Gulli” (2009 йилдан), Американинг “KidsCo” (2007 йилдан), Франциянинг “TiJi” (2009 йилдан) каби хорижий телеканаллари билан бир вақтда “Детский” (2006 йилдан), “Улыбка ребенка” (2007 йилдан), “Радость моя” (2008 йилдан), “Дисней” (2012 йилдан) каби умуммиллий телеканаллари ҳам ўз фаолиятини бошлайди.

Илованинг 1-жадвалида Россиядаги мавжуд болалар телеканаллари ҳақида умумий тавсифни келтириб ўтганмиз.

Германияда 1920-1930 йиллар оралиғи миллатчилик ҳаракатлари кучли тус олган, таҳликали вазият эди. Бу вақтда телевидение соҳасида ҳам айтарли муваффақиятлар кузатилмади. 1939 йилнинг якунида Берлинда ҳафтанинг якшанба кунлари соат 15:00 дан 16:00 га қадар болалар учун тайёрланган кўрсатувлар намоиш этиларди.

Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг замонавий ҳаётда радио ва телевидение аслида қандай бўлиши керак деган савол қўйилди. Асосий масала эса Германияда телекўрсатувларни эфирга узатишда ҳукумат томонидан мустақил эмаслигига қаратилган эди. Чунки, бу вақтда теле ва радио тўлқинларда узатилаётган барча эшиттиришлар ҳарбийлар томонидан каттиқ назоратга олинганди.

1951 йил апрел ойида радио ва телевидение бўйича дизайнер Илсе Обриг ҳукуматга шимолий-шарқий немис телевидениеси таркибида болалар учун мўлжалланган телекўрсатувлар сутруктурасини тақдим этди. Бу телекўрсатувлар 1951 йилнинг 25 апрелидан Гамбург шаҳрида, 1952 йилнинг март ойидан бошлаб эса Берлин шаҳрида эфирга узатила бошланди. Биринчи болалар учун мўлжалланган дастурлар ҳақида “Телевизион хабарнома” журналининг 1951 йил 2 апрел сониди тўлиқ маълумотлар берилган.

1950 йилнинг охирига келиб кундалик теледастурлар икки қисмда узатила бошланди: тўрт ёшгача бўлган болалар учун ва саккиз ёшдан юқори бўлган болаларга мўлжалланган дастурлар. Дастурлар мундарижасига “Fury”, “Union Pacific” ва “Texas Ranger” сингари машҳур америка сериаллари киритилди.

1970 йилнинг ўрталарида болалар телевидениеси жаҳон стандартлари меъёрлари асосида иш олиб боришни йўлга қўйди. Германия болалар телевидениесидаги бу ўзгаришларни иккита йирик телеканал ARD ва ZDF фаолиятида илованинг 2-жадвалида келтириб ўтганмиз.

Бугунги кунда Германияда болаларга мўлжалланган 14 та телеканал мавжуд ва уларнинг 4 таси Германияга қолганлари АҚШга тегишли бўлиб, “Nickelodeon” (АҚШ), “Super RTL” (Германия), “KI.KA” (Германия), “Ric” (Германия) каби телеканалларни бепул томоша қилиш мумкин.

Илованинг 3-жадвалида Германиядаги мавжуд болалар телеканаллари ҳақида умумий тавсифни келтириб ўтганмиз.

Россия ва Германияда болалар телевидениесининг тарихий шаклланиш босқичларини илованинг 4-жадвалида таҳлил қилиб ўтганмиз.

Миллий журналистикамизда илк расмий матбуотдаги болалар таълим-тарбияси, турмуш тарзи, умуман, болалик муаммоларини камраб олувчи журналистика воқеликка айланиб борди.

Ўзбек болалар журналистикаси XX асрнинг бошларидан бевосита ёш авлод тафаккурига хос шакл ва шамойил касб этиб келаётган ижтимоий-эстетик ҳодиса сифатида намоён бўлди.

Болаларгагина ихтисослашган махсус нашрлар, адабиёт намуналари пайдо бўлиши билан ўзбек болалар журналистикасига том маънода пойдевор қўйилди. Болалар ва ўсмирларга мўлжалланган журналистика бағрида эса, ёшларнинг ўз дарди, моддий ҳаётга муносабатларини ифодаловчи болалар ижоди ҳам бўй кўрсата бошлади.

Ўзбек болалар журналистикаси назарий ва амалий жиҳатдан ҳали навқирон бўлсада, ўтмиш адабиётидаги пандномачилик, маърифатпарварлик адабиёти замирида шаклланганлигига кўра қадимийдир. Зеро, расмий матбуот, хусусан, болалар матбуоти юзага келгач, публицистика ёш авлод ҳаётини, турмушдаги ютуқ ва камчиликларга вобаста ҳолда ҳозиржавоблик билан ёритувчи ижтимоий ҳодисага айланиб, том маънода шаклланиб, ўзига хос тамойиллар касб этмоқда, болалар дунёқараши ва тафаккурини шакллантирувчи, ижтимоий-сиёсий, маънавий, ахлоқий-тарбиявий масалалар таҳлилига қаратилган, ёшларни ижтимоий фаолликка етакловчи ижод тури даражасига кўтарилиб, алоҳида табиатга эга ҳолда ривож топмоқда.

Бугун болалар журналистикасига бўлган эътиборнинг ўша даврдан кўра баланроқ эканлиги сабаб, унинг вазифаси ҳам юксалган.

Бола – беғубор, ранг-баранг ва ўзига хос бир дунё. У табиатнинг неъматини, мукаммал бир кашфиёти. Бола бор жойда ажиб бир маъсумлик, сокинлик ва ҳаёт жўш уради. Болалар – ҳеч бир инсонни бефарқ

қолдирмайдиган, кайфияти бўлмаганларни ҳам жилмайишга мажбур қиладиган жажжи қалб эгалари. Гўдакнинг дунёга келиши қалбларни нозик жумбушга келтирувчи, атрофдаги барчага шодлик улашувчи бир воқеадир. Бола борки, атроф-муҳитни ўзича талқин қилади. Кимларнидир хайрон қолдирса, кимларнидир завқлантиради.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, давлатимиз томонидан барча соҳалар сингари оммавий ахборот воситаларига ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланди. Жумладан, тележурналистикада соҳасида ҳам тубдан ўзгаришлар юз бера бошлади. Сиёсий-иқтисодий, маданий-маърифий, кўнгилочар йўналишдаги кўрсатувлар, теледастурлар билан бир қаторда “Болалар ва ўсмирлар” бош муҳарририятининг “Оқшом эртаклари”, “Эртақлар - яхшиликка етаклар”, “Кичкинтоймиз - гижингтоймиз”, “Бола тилидан”, “Кичкинтой театри”, “Нурли келажак”, “Болалигим - пошшолигим” , “Олтин тож”, “Катта танаффус”, “Ўйла, изла, топ!”, “Қувноқ стартлар”, “Шўрданақ” каби болалар учун теледастурлар эфирга узатила бошланди.

“Кичкинтой театри” кўрсатувидаги сахна кўринишлар орқали болалар билан олиб борилаётган тарбия жараёни намоён бўлади. Иштирокчилар ўзбек, рус, жаҳон халқлари эртаклари асосида сахна кўринишларини тайёрлашарди. Мақол, эртақ ва топишмоқлар айтиш эса нафақат кўрсатув мазмунини, балки болалар билими, дунёқарашини маънавий ва маърифий жиҳатдан бойитарди. Айниқса, “Бола тилидан” кўрсатувида болаларнинг нутқи ва сўз бойликларини ўстиришда эркин, теран фикрлашига эътибор қаратилади.

“Қўшимча дарс”. Бунда синф хонасига ёки бирон музейга болаларни ва битта санъаткорни таклиф қилишади. Кўрсатувда битта бошловчи, битта санъаткор ва 5-6 синф болалари иштирок этишади. Кўрсатув ҳар сафар ҳар хил мактабда ва ҳар хил жойда суратга туширилади. Кўрсатувга асосан санъаткорлар таклиф этилса-да, санъат ҳақида эмас, унинг ёшлиги, мактаб

даври, билим даражаси ҳақида гапиради, яъни шу даражага етишиши учун ўқигани, билим ҳамиша юксакларга олиб чиқиши ҳақида болалар билан сўз боради. Бу кўрсатув ёш болачаларда ўқишга иштиёқни ошириб, уларга ўқишга, билим олишга руҳан туртки беради. Дастур давомида таклиф этилган санъаткор ва болалар ўртасида ўйинлар ўтказилади. Бири мактаб дастури доирасида бўлса, яна бири санъаткорнинг ўзи ўйлаб топган ўйин бўлади. Кўрсатув меҳмонидан ўзини дарс ўтаётгандек тутиш, ўқувчиларни зериктирмасдан олиб ўтириш талаб қилинади.

“Бойчечак”. Боғча ҳамда кичик мактаб ёшидаги болаларнинг дунёқараши ва ўзига хосликлари, уларда одоб-ахлоқ, яхши фазилатлар, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш мавзуларига қаратилган теледастур.

“Болалар табассуми”. Болалар ҳаётида учрайдиган қизиқарли воқеалар, кичкиналар ва катталар ўртасидаги кулгили вазиятлар ҳақидаги ҳажвий тележурнал.

“Катта танаффус”. Ўсмир ёшларнинг интеллектуал имкониятларини оширишга ҳамда уларда миллий ўйинлар, урф-одатлар ва қадриятлар ҳақидаги билим доирасини кенгайтиришга қаратилган телеўйин шаклидаги кўрсатув.

“Синфдош”. Балоғат остонасида турган юқори синф ўқувчиларини мустақил ҳаётга тайёрлаш, мактаб ҳаётида рўй берувчи қизиқарли воқеалар, синфдошларнинг самимий дўстлиги каби мавзуларга қаратилган теледастур.

“Сирли ўрмонча”. Бу ўзбек халқ эртаклари ва жаҳон эртақчилиги намуналари воситасида кичик ёшдаги болаларда одоб-ахлоқ, батартиблик ва зеҳн даражаларини оширишга қаратилган телеўйин.

“Кичкинтойлар боғи”. Бу болаларни меҳнатга ўргатувчи, табиат неъматлари қандай етиштирилиши ҳақида сабоқ берувчи ҳамда

кичкинтойларга табиатни севиш ва асраш кўникмаларини тарбиялашга қаратилган телекўрсатув.

“Бўлажак генерал”. Бу ҳарбий билим юртларида, ихтисослашган мактабларнинг ҳарбий синфларида таълим олаётган ўсмирларнинг билим ва малакаларини синовдан ўтказиш, ёш авлодда ҳарбийликка бўлган меҳрни оширишга қаратилган теледастур.

“Тонг юлдузи”. Бу янги лойиҳа бўлиб, болалар ва ўсмирларнинг билим доираси ва дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг турли фан ва ҳунарларга бўлган қизиқишларини янада оширишга қаратилган телекўрсатув.

“Мультипанорама”. Бу болалар дунёқарашини шакллантиришга, уларда одоб-ахлоқ ва яхши фазилатларни тарбиялашга йўналтирилган миллий ва хорижий мультфильмлар намойишига бағишланган теледастур.

“Қорақалпоқ ёшлари”. Бу телекўрсатув Қорақалпоғистон Республикасида иқтисодиёт, халқ хўжалиги, таълим ва маданият, спорт ва санъат соҳаларида олиб борилаётган туб ислохотлар ҳамда бу жараёнларда қорақалпоқ ёшларининг фаол иштироки, турли йўналишларда эришаётган ютуқлари ҳақида ахборот беради.

“XXI аср технологиялари”. Ушбу ахборот телекўрсатуви ойда икки марта, 20 дақиқадан тақдим этилиб, у жаҳон ва Ўзбекистон илм-фани ютуқлари, мамлакатимиз ёшларининг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, ёшларнинг техник лойиҳалар яратиш ва тадқиқотчилик фаолиятини рағбатлантириш, ёш олимларни қўллаб-қувватлаш масалаларига қаратилган.

“Келажак эгалари”. Бу ахборот теледастури ёшларни халқимизнинг тарихий анъаналари, маънавий қадриятлари, миллий маданиятимиз ҳамда жаҳон цивилизациясининг илғор ютуқлари асосида тарбиялаш борасидаги ишлар ҳақида.

“Ватанпарвар”. Миллий армиямизда олиб борилаётган ислохотлар ва бу борада эришилаётган ютуқлар, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мавзуларига қаратилган тележурнал.

“Ёшлар ва қонун”. Ойда икки марта, 20 дақиқадан. ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ёш авлодни уйғун камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш борасидаги ишларни кенг ёритишга қаратилган телекўрсатув.

“Чемпион”. Ёш авлоднинг жисмоний баркамол бўлиб вояга етиши йўлидаги чора-тадбирлар ва катта спорт майдонларида улкан ютуқларга эришаётган ёшлар ҳақида телекўрсатув.

“Истиклол фарзандлари”. Бу кўрсатув янги лойиҳа бўлиб, ҳафтада бир марта, 30 дақиқадан эфирга узатилади. Ўзбекистон Республикасининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида ёш мутахассис кадрларнинг тутган ўрни, умидли йигит-қизларимизнинг ушбу соҳаларда эришаётган улкан ютуқларининг бекиёс аҳамияти ҳақидаги телекўрсатув.

“Тонги парвоз”. Ёш авлод учун яратилаётган кенг имкониятлар натижасида ҳаётга кириб келаётган замонавий, билимдон, ғайратли ва фидойи ёшлар телеиштирокидаги махсус тележурнал.

“Кўнгил калити”. Жамиятимиздаги ибратли оилалар ва уларда тарбия топаётган истеъдодли, иқтидорли фарзандлар, мамлакатимизда ёш иқтидорли ҳамда уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг аҳамияти каби мавзуларни қамраб олган ток-шоу.

“Соғлом авлод”. Бу ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, жисмоний ва маънавий покликнинг ёшлар ҳаётидаги аҳамияти, зарарли одатларнинг аянчли оқибатлари ҳақидаги телекўрсатув.

“Ижод мактаби”. Бу ўзбек мумтоз мусикий меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлод орасида кенг тарғиб қилиш, бу соҳада ёшлар орасидан ноёб иқтидор эгаларини рўёбга чиқаришга қаратилган теледастур.

“Ёшлик баёзи”. Бу адабиёт соҳасида ёш истеъдод соҳиблари эришаётган ижодий муваффақиятлар, уларнинг ўй-хаёллари ва орзу-интилишлари ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий-маърифий телекўрсатув.

“Ҳаёт”. Бу ёшлар ўртасида ҳаётни севиш, борликка яхшилик нигоҳи билан қараш, эзгуликнинг буюк қудратини тушуниб етиш ва эртанги кунга ишонч каби туйғуларни тарбиялашга қаратилган маърифий-публицистик теледастур.

“Ҳикоя”. Ўзбек адабиётининг йирик вакиллари ҳамда ёш қаламкашлар томонидан яратилган сара бадиий асарлар мутолаасидан иборат телекўрсатув.

Юқорида келтириб ўтилган Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг тизимида фаолият юритаётган “O‘zbekiston”, “Yoshlar”, “Sport”, “Madaniyat va ma’rifat”, “Dunyo bo‘ylab”, “Toshkent”, “Navo” телеканаллари кўрсатувларининг барчаси айнан болаларга хос, уларнинг ёшига, дунёқарашига, қизиқишларига асосланиб, келажакда баркамол бўлиб етишишига, билимли бўлиб камол топишига, илм-ҳунар ўрганишга интилишига хизмат қилади.

Халқимиз – болажон. Уларнинг ўсиб-улғайиши, униб-ўсиши учун барча шарт-шароитларни яратиш – бурчимиз. Бугунги шиддатли замонда уларни миллий маънавиятимиз ва қадриятларимиз руҳида тарбиялашда болалар телевидениесининг ўрни беқиёс. Юқорида дунё болалар телевидениесининг пайдо бўлиши шаклланиш жараёнлари ҳақида батафсил ёритган эдик, энди бевосита миллий тележурналистикамиз соҳасидаги илк болалар телеканали “Bolajon”нинг фаолиятига назар солсак.

Таъкидлаш жоизки, 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан мамлакатимизда рақамли телевидениени

тадбиқ этиш бўйича техник базани яратишга қаратилган “Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидениега техник ва технологик ўтиш бўйича Давлат дастури тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг рақамли телеканаллари сонини ошириш, улардан тўлиқ форматда фойдаланиш, сифатли бойитиш ва хизмат кўрсатиш тўғрисида” Қарор қабул қилинди. Шу асосда, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида иккита янги “Madaniyat va ma`rifat” ҳамда “Dunyo bo`ylab” телеканаллари ташкил этилди.

2013 йилнинг 30 май куни эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Yoshlar” телерадиоканали” ёпиқ акциядорлик жамияти қошида болаларга мўлжалланган янги рақамли “Bolajon” телеканалини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. 2013 йилнинг 1 июнидан эфирга чиқа бошлаган “Bolajon” телеканали мамлакатимиз болалари учун Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига муносиб тухфа бўлди.

“Bolajon” телеканали дастурлари республикаимиз бўйлаб амалдаги рақамли теледастурлар ижтимоий пакети таркибида тарқатилмоқда. Телеканал 3 ёшдан 10 ёшгача бўлган болаларга атроф-муҳитни идрок этиш, миллий қаҳрамонлар, ўзбек халқи ва бошқа халқларнинг дostonлари, эпослари, эртаклари воситасида эзгулик ва адолат тушунчаларини шакллантириш, болаларнинг ақлий ва ижодий фаоллигини ривожлантириш, кўнгилочар-ўргатувчи телевизион кўрсатувлар, мактабгача ёшдаги ва кичик мактаб ёшидаги болалар учун мўлжалланган интеллектуал ўйинлар ва викториналар намоиш этиш орқали уларда ақлий ҳамда жисмоний меҳнатнинг бошланғич кўникмалари ва маданиятини шакллантириш мақсадида ташкил этилган.

Янги телеканал дастурларини тайёрлаб эфирга узатишда жажжи телетомошабинларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, энг замонавий интерактив шакл ва усуллар, рақамли ва мультимедияли

технологиялар имкониятларидан фойдаланилмоқда. Шунингдек, болаларнинг хорижий тилларни ўрганишларига кўмаклашиш мақсадида таъсирчан кўрсатувлар тайёрланмоқда. Уларни табиатга оид билим ва кўникмаларини шакллантириш ва ошириш учун атроф-муҳитни асраш, уй хайвонлари, паррандалар, аквариум ва хона ўсимликларини парваришlash тўғрисида кўрсатувлар бериб бориш йўлга қўйилган. Болаларга жисмоний тарбия асосларини сингдириш, спортга қизиқтириш, мусобака руҳини кучайтириш, саломатликни сақлаш ҳамда санитария-гигиена қоидаларини ўргатиш каби мавзулардаги кўрсатувларга ҳам кенг ўрин берилмоқда.

“Bolajon” телеканалининг ташкил этилиши билан, “Yoshlar” телерадиоканали ижодий жамоаси зиммасидаги масъулият янада ортди, дейиш мумкин. Чунки, “Bolajon” телеканалда ташкил этилаётган ҳар бир кўрсатув жажжи болажонларимизнинг порлоқ келажаги учун хизмат қила олиши, уларни тўғри йўлга йўналтириши, тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши керак. Қолаверса, бугун нафақат мамлакатимиз, балки бутун жаҳонда ёшлар тарбияси биринчи даражали масалалардан бирига айланган. Айниқса, уларнинг онги ва қалбини турли ёт иллатлардан ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш муҳим вазифалар сирасига киради.

Шу жиҳатдан олиб қаралганда, “Bolajon” телеканални айнан “Yoshlar” телерадиоканали қошида ташкил этилганлиги бежиз эмас. Чунки ушбу телерадиоканал томонидан сўнгги йиллар мобайнида тайёрланиб, эфирга узатиб келинаётган энг долзарб мавзуларга қаратилган юксак профессионал даражали кўрсатувлар ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини бойитишга хизмат қилмоқда. Шунингдек, “Yoshlar” телерадиоканалида кейинги даврда тўпланган бой ижодий тажриба ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга.

Бир сўз билан айтганда, “Bolajon” телеканалининг ташкил этилиши жамоатчилигимиз, айниқса фарзандларимиз томонидан кўпдан бери кутилган ва ажойиб бир совға бўлди. Ушбу телеканални томоша қилаётган кичкинтойларнинг хурсандчилиги ичига сиғмаётганлигини қўяверинг,

“Bolajon” телеканални катта ёшдагилар ҳам болажонларга қўшилиб томоша қилишмоқда.

“Bolajon” телеканалнинг кўрсатувларини кузатаркансиз, бу канални ташкил этишга нақадар пухта тайёргарлик кўрилганига гувоҳ бўласиз. Бир-биридан қувноқ, бири-бирига ўхшамайдиган, ранг-баранг теледастурлар болаларнинг кўзини қувнатиб, қалбини эзгулик нурига тўлдирыпти.

Бу телеканалга “Bolajon” деган ном қўйилганининг ўзиёқ жуда катта муваффақиятдир. Чунки бизнинг халқимиз бутун дунёга машҳур кўплаб сифатларга эга. Меҳмондўст, бағрикенг, мард, меҳнаткаш сингари асосан ўзбекларга нисбатан айтиладиган асосий сифатлар орасида яна бир муҳим сифатлаш бор. У ҳам бўлса: ўзбек халқи – болажон халқ. Яъни “болажон” сўзи бир вақтнинг ўзида фарзандларимизга нисбатан ҳам, халқимизга нисбатан ҳам қўлланилади. Демак, мазкур телеканалга ном сифатида “болажон” атамаси танланиши, нафақат болажонларнинг, балки бутун халқимизнинг кўнглидаги иш бўлган.

1.2. Болалар тележурналистикасининг ўзига хос хусусиятлари

Телевидение XX асрнинг эркатойи деб аталиши бежиз эмас. Унинг инсоният ҳаётидаги ролини баҳолаш жуда мушкул. У аудиторияни талаб ва истакларини, эҳтиёжини инобатга олган ҳолда янгиликлардан хабардор этади, машҳурлар ва оддий одамлар ҳаёти билан таништиради. Бугунги кунда дунё аҳолисининг аксарияти телеэфирларни ахборот олишнинг қулай ва оммабоп манбаси деб ҳисоблашади. Телевидение инсоният ҳаётининг ажралмас бир бўлагига айланиб улгурди, шу жумладан болалар дунёсида ҳам.

Болалар телевидениеси масаласи бугунги кунда долзарб мавзулардан бири саналмоқда. Бола ривожланиши, шаклланиши, тарбияси ва саводхонлиги ҳамиша жамиятни қизиқтириб келган. Телевидение эса бола тарбиясидаги асосий омиллардан биридир.

“Болалар телевидениеси бу – мактаб ёшигача бўлган, мактаб ёшидаги болалар ҳамда ўсмирларга мўлжалланган теледастурларнинг умумий тизимидир”¹¹, – деб ёзади машҳур телевидение бўйича мутахассис В. Егоров. Бундай дастурларнинг мақсади болалар ва ўсмирларни ҳар томонлама тарбиялаш ва уларга билим беришдан иборат. Болалар телевидениеси жанрлари ва шаклига кўра бир неча турларга бўлинади. Булар: эртактлар, публицистик кўрсатувлар, саргузашт фильмлар ва кўрсатувлар, илмий-фантастик руҳдаги фильмлар ва кўрсатувлар, илмий-оммабоп фильмлар, викториналар, танловлар, мултфильмлар ва бошқалар.

Тадқиқотчи Л.Г. Свитич ўзининг телевидение борасида олиб борган тадқиқотларида ОАВ учун характерли бўлган 5 та типалогик белгиларни қуйидагича тизимлаштиради:¹²

¹¹ Егоров В. Терминологический словарь телевидения: Основные понятия и комментарии / Ин-т повыш. квалификации работников телевидения и радиовещания ФСТР. - 3-е изд., доп. - М., 1997. - С. 43.

¹² Свитич Л.Г. Социология журналистики. – М.: ИМПЭ им А.С. Грибоедова, 2005. – С. 75.

- аудитория хусусиятига кўра ;
- мавзули йўналишига кўра;
- мақсадига кўра;
- эфир таснифига кўра;
- даврийлигига кўра.

Телевидениени, жумладан, болалар телевидениесини ўзининг аниқ мақсад ва вазифаларига эга бўлган мураккаб механизм деб айтиш мумкин.

Г.В.Кузнецов телевидениенинг вазифаларини қуйидагича белгилайди.¹³

- ахборот бериш вазифаси;
- тарғиботчилик вазифаси;
- ижтимоий бошқарувчилик вазифаси;
- ташкилотчилик вазифаси;
- рекреативлик вазифаси;
- маданий-маърифий вазифаси;
- таълим-тарбиявий вазифаси;
- интерактивлик вазифаси.

Ахборот бериш вазифаси асосан 15-16 ёшли болалар учун аҳамиятлидир. Чунки айнан шу ёшда бола худди катталардек ахборотни қабул қила бошлайди. Бу ҳолат шунингдек телевидениенинг тарғиботчилик, ижтимоий бошқарувчилик, ташкилотчилик, интерактивлик вазифалари учун ҳам характерлидир.

Кичик ёшдаги болалар учун телевидениенинг асосан маданий-маърифий, рекреатив ва таълим-тарбиявий вазифаларидан фойдаланиш самаралироқ ҳисобланади.

¹³ Кузнецов Г.В. Телевизионная журналистика. / Под ред. Г.В. Кузнецова, В.Л. Цвика, А.Я. Юровского. – М.: Высшая школа, 2002. – С. 270-273.

Болаларнинг телевидениега бўлган муносабати ва ишончи катталарникига нисбатан кучлироқ. Шу сабабдан болаларнинг манфаатларини ҳимоялаш ва болалар телевидениеси фаолиятини тартибга солиш мақсадида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилсак.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг барпо этилиши жамият аъзоларининг болалик чоғиданоқ ҳуқуқий онгини ўстириш ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш масалалари билан бевосита боғлиқ. Шу сабабли бу борада, аввало юқорида қайд этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясини, шунингдек бевосита болаларнинг ўзларига тааллуқли бўлган бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни, қолаверса бола ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчилик тизимини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Конвенцияга мувофиқ бевосита бола ҳуқуқларига алоқадор Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 22 та қонун, 15 та кодекс ва 100га яқин қонуности ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16 та Фармони ва 10 та қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 41 та қарори ва 32 та меъёрий ҳужжатлари) қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги, “Ногиронларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги тўғрисида”, “Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ҳужжатларини такомиллаштирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”, “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида” ги қонунлари, Оила кодекси ва бошқа қонунлар фикримизга далил бўла олади. Ушбу қонунларда бола ҳуқуқларининг қонуний кафолатлари халқаро ҳуқуқий меъёрлар мазмунини тўлиқ ўзида ифода этади. Бундан ташқари,

мамлакатимизда бола ҳуқуқлари билан боғлиқ бир неча қонуности ҳужжатлар қабул қилинган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёш авлодни соғломлаштириш муаммоларини комплекс ҳал этиш тўғрисида”, “Оилаларга ва болаларга давлат ёрдами ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”, “SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари уюшмасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари, “Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик ҳақида Низом”, “Вояга етмаганларни фарзандликка олиш ва оилага, тарбияга болаларни олиш (патронат) ҳақида Низом”лар ана шулар жумласидандир.

Бугунги кунда Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид 6 та асосий ва 70 дан зиёд универсал ва минтақавий шартномаларини тан олган. Мамлакатимизнинг 1992 йилда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиши бола ҳуқуқларига оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш ҳамда уни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг самарали механизмини ишлаб чиқишга хизмат қилди. Бундан ташқари, мамлакатимиз бола ҳуқуқларини таъминлашда “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги ҳамда “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактларда мустаҳкамланган меъёрларга таянади. Шу билан бирга, БМТнинг вояга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари), БМТнинг вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари (Ар-Риёд дастурий принциплари) ва бошқа тавсиявий ҳужжатлари одил судлов соҳасида бола ҳуқуқларига оид миллий қонунчиликни такомиллаштиришда муҳим ўрин тутади.

Энг муҳими, Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш бўйича комплекс ҳуқуқий асослар яратилди. Айниқса, 2008 йил 7

январда қабул қилинган “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун бу борада тарихий ҳужжат бўлди.

2012 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Россияда “О защите детей от информации, причиняющих вред их здоровью и развитию” (“Болаларни соғлиги ва ривожланишига зарар етказувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги) қонуни кучга кирди. Қонунга кўра соат 04:00 дан 23:00гача эфирда болалар соғлигига ва уларнинг ақлий ривожланишига таъсир кўрсатадиган ахборотларни тарқатиш қатъиян таъқиқланади. Қонунга мувофиқ қуйидаги мазмундаги ахборотни тарқатишга йўл қўйилмайди:¹⁴

1. Боланинг ҳаётига таҳдид қилувчи, унинг руҳий ва жисмоний соғлигига зарар етказувчи ахборотлар акс этса.
2. Болаларни турли гиёҳванд моддаларни татиб кўришга чорловчи ахборотлар, шунингдек, алкоголь маҳсулотларининг рекламалари, кишига руҳий ва жисмоний таъсир этувчи фармацевтик дориларнинг ва енгил ҳаёт тарзини ифодаловчи мазмундаги ахборотлар тарғиботи.
3. Қўпоровчилик, бузғунчилик ғояларини ёритувчи лавҳалар, шунингдек табиат ва ҳайвонот оламига нисбатан бешавқатликни кўрсатиб берувчи ва болани шунга тарғиб қилувчи тасвирлар.
4. Оилавий қадриятларни ҳурмат қилмасликка ундовчи, оилавий тенгсизликни юзага келтирувчи тасвирлар.
5. Ҳуқуқбузарликни тарғиб этувчи кадрлар.
6. Ахлоқий меъёрларга зид мулоқотни акс эттирувчи.
7. Парнографик мазмундаги ахборотлар.

¹⁴ Федеральный закон «О защите детей от информации, причиняющей вред их здоровью и развитию». – М.: Эксмо, 2012. – С.96.

Шунингдек, қонунда тарқатилаётган ҳар бир ахборотнинг аудиторияга нисбатан белгилаш категориялари ишлаб чиқилган бўлиб, булар: 6 ёшгача бўлган, 6 ёшдан юқори бўлган, 12 ёшлилар учун, 16 ёш ва болалар кўриши таъқиқланган ахборотлар категорияси.

Эндиликда Россия телеканалларидаги ҳар бир дастурларига аудитория ёши белгиланган махсус маркероикалар қўйиш мажбурийдир. Булар (0+, 6+, 12+, 16+ 18+).

0+ бу аудиториянинг ёши чегараланмаган ва уларнинг томошасидан болага на руҳий ва на жисмоний зарар етиши мумкин. Бундай белги остида намойиш этилаётган тасвирларни болалар кўришлари мумкин. Бироқ, фильмлар намойиши бундан мустасно.

6+ белгиси кўрсатилган дастурлар ёки фильмлар 6 ёшдан юқори бўлган болаларнинг томошаси учун мўлжалланган. Бу ёшдаги болалар қисқа вақтли ва табиий бўлмаган тасвирларни кўриши, инсондаги мавжуд касалликлар ҳақида тинглаши (бирок бедаво касалликлар ҳақида эмас) ва уларнинг давоси ҳақида маълумотга эга бўлиши, инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши ҳақида қисқагина тасвирларни кузатиши мумкин. Бундай дастурларга яна кундалик ҳаётда рўй берадиган бахтсиз ҳодисалар, масалан, автоҳалокат, зилзила, ёнғинларни кўрсатиш мумкин. Бундай тасвирларни кузатган болалар ўзлари тушунмаган саволларига ота-оналаридан жавоб излайди. Ота-оналар бола томонидан берилган ҳар қандай саволларга тўлиқ ва аниқ жавоб бериши лозим.

12+ белгиси бу кўрсатув 12 ёшдан юқори бўлган болаларнинг кўриши учун мўлжалланганлигини билдиради. Бу ёшдаги болалар эркак ва аёл муносабатларини ёритувчи тасвирларни кўриши таъқиқланади.

16+ белгиси остидаги кўрсатув ва фильмларда тамаки маҳсулотлари ва гиёҳванд моддаларни зарари тўғрисидаги маълумотлар, жинсий муносабатларни, фалокатлар, касаллик ва ўлимни тасвирловчи лавҳалар кўрсатилиши мумкин.

18 + белгиси остидаги кўрсатувлар фақат катталар учун мўлжалланган ва бу ахборотларни болалар орасида тарқатиш таъқиқланади.

2012 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Россияда “О защите детей от информации, причиняющих вред их здоровью и развитию” (“Болаларни соғлиги ва ривожланишига зарар етказувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги) қонуни қучга кириши билан “Реклама тўғрисида”ги қонунга ҳам айрим ўзгартиришлар киритилди. Эндиликда рекламаларда порнографик мазмундаги ахборотлар берилиши таъқиқланади. Яна шунингдек, болалар учун мўлжалланган дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа ўқув адабиётларида рекламалар берилишига рухсат этилмайди. Таълим-тарбиявий ва болалар учун кўрсатувлар эфирга узатилаётган вақтда реклама роликлари берилмайди. Рекламаларда болаларнинг ҳаёти ва соғлигига таъсир этувчи, уларни ҳавфли вазиятларга ундовчи ҳолатларни кўрсатиш, катталар ва ота-оналарга бўлган ҳурмат-эҳтиром, ишончни барбод этувчи мазмундаги ахборотларни узатиш мумкин эмас. Ахборот ва маҳсулотнинг хусусиятига кўра маркировка белгилари остида узатилиши ҳам белгилаб қўйилган.

Қонунга киритилган ўзгаришлардан яна бири эндиликда ўқув ташкилотлари, болалар учун мўлжалланган даволаш муассасалари, дам олиш ва соғломлаштириш масканларининг рекламаси улар жойлашган жойдан юз метрлик масофадан ошса кўрсатилмайди.

Германияда Россиядан фарқли ўлароқ оммавий ахборот воситалари тўғрисида қонун ишлаб чиқилмаган. Германиянинг асосий қонунида сўз эркинлиги тўғрисида 5-модда 1-бандида шундай дейилган: “Ҳар бир шахс ўз фикрини оғзаки, ёзма, тасвирий ифодалар орқали эркин баён қилиш ҳамда маълумотларни мавжуд манбаалардан ҳеч қандай тўсиқларсиз олиш ҳуқуқига эга. Оммавий ахборот воситаларида ахборотни тарқатиш эркинлиги кафолатланади. Цензурага йўл қўйилмайди”.

Қонунининг 5-модда 2-банди ёшларнинг қизиқишларини ҳимоя қилиш тўғрисида бўлиб, болалар ва ўсмирларни ОАВ таъсиридан асраб қолиш кафолатини беради.

1953 йил Германия Бундестаги “Ёшлар учун зарарли бўлган ахборотларнинг тарқатилишидан ҳимоялаш тўғрисида”ги қонунни имзолади. Бу қонун асосида 1954 йилда ОАВ материалларини назорат қилувчи ёшлар учун зарарли бўлган ахборотларни текшириш бўйича федерал ташкилоти тузилди. Ушбу ташкилот фаолиятини ёшлар, аёллар, қариялар ва оила масалалари вазирлиги назорат қилиб боради. Ташкилот махсус ариза тушган тақдирда ўрганиш ишларини бошлайди. Ариза бериш ваколати 800 та муассаса ва ташкилотларга берилган. ОАВда эълон қилинган материалнинг болалар ва ўсмирлар учун ҳавфли эканлиги ҳақидаги якуний қарорни 12 аъзодан иборат кенгаш белгилайди.

Болалар ва ўсмирларга кўрсатилиши таъқиқланган материаллар рўйхатига қуйидагилар киради:

- ахборот ўзида бузғунчилик ва қўпоровчилик, қотиллик ва ўз-ўзини суд қилиш ғояларини тарғиб қилса, уни қонун номи билан тақдим этса;
- миллатчилик ғоялари, ирқий келишмовчиликлар;
- диний урушлар;
- порнография.

Германияда болалар ҳамда ўсмирларнинг соғлиғига руҳий ёки жисмоний таъсир этадиган кўрсатувларнинг эфирга узатилиши қатъиян таъқиқланади. Болалар учун мўлжалланмаган кўрсатувлар тунги 23:00дан 06:00га қадар кўрсатилади. 16 ёшга тўлмаган болалар кўриши мумкин бўлмаган дастурлар асосан тунги 22:00дан тонги 06:00га қадар берилади. 18 ёшга тўлмаган болаларнинг кўриши таъқиқланган фильмларни эса 23:00дан 06:00 оралиғида эфирга узатиш мумкин.

Германияда ҳам Россияда бўлгани сингари болалар аудиториясининг ёш меъёрлари бўлиб, қуйидаги рўйхатда дастурлар ёки фильмлар томошаси ота-оналар иштирокида бўлиши қабийан белгилаб қўйилган:¹⁵.

- 12 ёшдан катта болалар учун мўлжалланган фильмларни, 12 ёшдан кичик болалар ота-оналари иштирокида томоша қилишлари;
- 6 ёшдан катта болалар соат 20:00дан сўнг эфирга узатиладиган кўрсатувларни ота-оналари иштирокида томоша қилишлари;
- 16 ёшдан кичик бўлган ўсмирлар ва болалар соат тунги 22:00 дан сўнг эфирга узатиладиган дастурларни ота-оналари иштирокида томоша қилишлари;
- 16 ёшдан ошган болалар ва ўсмирларга тунги соат 24:00дан сўнг эфирга узатиладиган дастурларни ота-оналари иштирокида томоша қилишларига рухсат этилган.

Оммавий ахборот воситаларига эгалик тўғрисидаги қонунга кўра, болалар ва ўсмирлар учун ҳавфли бўлган ахборий маҳсулотлар тарқатилиши таъқиқланади.¹⁶

Юқоридаги ҳолатлар содир этилган тақдирда ОАВ қонунда кўрсатилган тартибда жавобгарликка тортилади, лицензияси бекор қилиниши ҳам мумкин.¹⁷ Шунингдек, ГФР Жинойт кодексининг 131-моддасида болалар ва ўсмирлар руҳиятига таъсир этувчи масс-медиа фаолияти қонунан таъқиқланиши баён этилган.

Жинойт кодексининг 3-боб 184-моддасида оммавий ахборот воситаси порнографик ғояларни тарғиб қилувчи материалларни намойиш қилиши, ўз дастурларида садизм, содоми ва педофилияни ёқлаб чиқувчи фикрларни

¹⁵ О.Я. Ермолаева. «Зарубежный опыт обеспечения информационной безопасности детей» // XI ежегодной конференции сообщества профессиональных социологов, на секции: Дети и подростки в контексте медиакommunikаций: актуальные проблемы. – 2013 г.

¹⁶ Jugendschutzgesetz (JuSchG) vom 23. Juli 2002 (BGBl. I S. 2730, 2003 I S. 476).

¹⁷ Staatsvertrag über den Schutz der Menschenwürde und den Jugendschutz in Rundfunk und Telemedien (Jugendmedienschutz-Staatsvertrag – JMStV) vom 10. bis 27. September 2002 (Bay.GVBl Nr. 5/2003, S. 147 ff.)

билдириши қатъиян ман этилади деб кўрсатилади. Бундай ғоялар нафақат болалар, балки жамият учун ҳам ҳавфлидир. Шу боисдан ҳам уларнинг тарқатилиши қонун билан жазоланади.

Германияда “Реклама тўғрисида”ги қонунга кўра, рекламалар болалар ва ўсмирларнинг қизиқишларига зарар етказмаслиги, унда иштирок этган болаларнинг тажрибасизлигидан ёмон мақсадларда фойдаланишларига йўл қўймайди.

Ҳар бир давлатда бўлгани сингари Ўзбекистонда, Россияда, Германияда ҳам болалар ва ўсмирларнинг соғлом ва хур фикрли бўлиб ўсиши учун алоҳида этибор берилади ва бу ҳукумат томонидан назорат қилиб борилади.

Яна бир этиборга молик воқеа, 1991 йилдан бошлаб ЮНИСЕФ ташаббуси билан ҳар йили март ойининг биринчи якшанбаси халқаро болалар телевидениеси ва радиоси куни сифатида (International Children's Day of Broadcasting, ICDB) нишонланмоқда. 1991 йилдан 2008 йилгача бу кун декабрь ойининг биринчи якшанбасида нишонланган бўлса, 2009 йилдан март ойининг биринчи якшанбасига кўчирилган. Байрамнинг мақсади теле ва радиокомпаниялар этиборини болалар мавзуси ва муаммоларига қаратиш, шу куни эфирда фақат болалар учун ишлашдан иборат. Ушбу мақсадни аъло даражада уддалаганлар учун эса 1994 йилдан ЮНИСЕФ ва халқаро телевидение илми ва санъати академиясининг махсус мукофоти таъсис этилган.

1.3. Болалар аудиторияси билан ишлашнинг психологик асослари

Телевидениенинг бошқа оммавий ахборот воситаларидан фарқли жихатлари ҳақида сўз борганда, аввало, телевидение имкониятларининг кенглиги ва кўплиги назарда тутилади. Ўтган асрнинг 80-йилларида жаҳон телеканалларида қатор ўзгаришлар кўзга ташланди ва бу кузатилаётган ўзгаришлар миллий телеканалларда ҳам қайд этилди. 90-йиллар бошида Иттифоқнинг парчаланиши, мустақил давлатларнинг юзага келиши айрим иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, мафкуравий муаммоларни келтириб чиқарган бўлса-да, ахборотга бўлган талабнинг сусайишига олиб келгани йўқ. Телевидение экрани орқали берилаётган ахборотга аксарият томошабинларнинг ишончи жуда юқори эди. Яшаш тарзидаги тезликнинг ошгани, иқтисодий муаммолар гирдобидида айрим стресс ҳолатларга дуч келинган, психологик босим кучайган бир пайтда руҳий хотиржамлик, ҳаловатга бўлган эҳтиёж ошиб борди. Ахборот оқимининг кўпайиши оқибатида дам олишга бўлган мойиллик кучайди. “Ҳозирда анъанавий дам олиш дастурлари ўсиб, кўрсатувларнинг янги шакллари пайдо бўлиб бормоқда ва уларнинг аксарияти ўзида кўнгилочарлик хусусиятини ифода этмоқда. Ҳаттоки дам олишга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган турли йўналишдаги дастурлар (мисол учун, янгиликлар, ахборот дастурлари, сиёсий баҳслар, таълимга оид кўрсатувлар) ўз жанр хусусиятини бирмунча ўзгартирди. Улар ахборот-дам олиш, хужжатли-дам олиш, таълимий-дам олиш дастурлари сифатида фаолият олиб бораёпти”¹⁸ – деб ёзади Петер

¹⁸ Винтерхофф-Шпурк П. Медиапсихология. Основные принципы. / Пер. с нем. Харьков. М.: Гуманитарный центр. – 2007. – С. 111.

Винтерхофф-Шпурк ўзининг “Медиапсихология. Асосий тамойиллар” китобида.

Дунё телеканалларида эфирга узатиладиган аксарият кўнгилочар дастурлар – мусикий кўрсатувлар, турли мавзулардаги баҳс-мунозаралар асосига қурилган шоулар, бадий фильмлар, телесериаллар бизнинг аудиторияни ҳам маҳв этишга киришди. Унинг оқибатлари ҳозиргача сезилади, маънавий тазйиқ ва ахборот хуружи кўринишида ўз таъсирини кўрсатмоқда. Телевидение амалиётчилари томонидан тайёрланадиган кўрсатувларнинг аудиторияга таъсири масалалари борасида илмий жамоатчилик ҳам ўз нуқтаи назарини мунтазам билдириб келади. Кўрсатувларнинг кимга, қайси ёшдаги, қайси жинсдаги аудитория вакилларига мўлжалланиши каби кенг мавзулардан тор қизиқишларгача камраб олинмоқда. Аммо, баъзи ўринларда мувозанат бузилаётганини инобатга олиб, айниқса ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятига, тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган телевизион чиқишлар учраётгани томошабинлар оммасини бировзгина чўчитиб қўяётгани ҳам айтиш ҳақиқат. Бу муаммо дунё жамоатчилигини ҳам ташвишга солмоқда. 1996 йил 19 декабрда АҚШ Конгресси ва алоқа бўйича Федерал комиссияси ота-оналарга ёрдам кўрсатиш мақсадида телевидение индустриясига эътибор қаратиб, телевизион кўрсатувлар тизими классификациясини тақдим қилди. Етти категориядан иборат бўлган бу тизим қуйидагиларни ўз ичига олади ва ҳар бир категория алоҳида белгида ўз ифодасини топган.



1. Исталган ёшдаги болаларга мўлжалланган телевизион кўрсатувлар (All Children). Кўрсатувларда актёрлар иштироки, анимацион сахналар ва бошқа болалар аудиториясига мўлжалланган усуллардан кенг

фойдаланилади, икки ёшдан ошган болалар кўриши мумкин бўлган дастурлар киритилган.



2. 7 ва ундан катта ёшдаги болаларга мўлжалланган телевизион кўрсатувлар (Directed to Older Children). Одатда бу ёшдан бошлаб, болаларда табиий равишда турли кўникмалар шаклланиб, фантазия қилишга, фикрлашга интилиш кучаяди.



3. Катта ёшдаги болаларга мўлжалланган телевизион кўрсатувлар. (Directed to Older Children - Fantasy Violence). Боланинг ривожланишига қараб дастурлардаги қаҳрамонлар фаолияти ҳам ривожланиб боради. Болаларда супер қаҳрамонларга, кучли фантазияга, қаттиққўлликка, ур-йиқит фильмларга бўлган қизиқиш ортиб боради.



4. Ҳеч қандай ёш инobatга олинмай умумий томошабинлар аудиториясига мўлжалланган телевизион кўрсатувлар. (General Audiences). Гарчи мазкур дастурлар айнан болалар учун тайёрланмаса-да, болалар аудиториясига ҳеч қандай таъқиқ қўйилмайди. Яъни, оила, табиат, ватанпарварлик, тарбия ва бошқа мавзулардаги суҳбатлар, ҳар куни уларга уқтириладиган панд-насихатлар ўз ифодасини топган чиқишлар, ҳужжатли фильмларни ўз ичига олган.



5. Ота-оналар назорати ва кузатувида кўриш учун тавсия қилинадиган кўрсатувлар. (Parental Guidance Suggested). Мазкур категориядаги кўрсатувларни болаларнинг ёлғиз кўришлари қатъиян ман қилинади. Вояга етмаганларнинг бундай кўрсатувларнинг кўриши тарбияга салбий таъсир ўтказди. Кўрсатувлар V, S, L, D белгилар билан эфирга

чиқади ва уларнинг ўз маънолари мавжуд (зўравонлик сахналари ўз ифодасини топса V, фахш ва интим ҳолатлар акс этганда S, вульгар лексика ишлатилса L, ёки қўпол диалоглар қўлланилса D). Одатда ота-она боланинг ривожланиши ҳамда дунёқарашига қараб, кўрсатувни томоша қилиш-қилмаслигини аниқлаштиради. Айтилаётган гап-сўзлар ва турли муносабатларга изох беради. Бу категориядаги дастурлар томошасидан сўнг болада қатор саволлар туғилиши, ота-она уларга оқилона жавоб бериши лозим.



6. Ота-оналарнинг қатъий назоратлари остидаги кўрсатувлар. Мазкур кўрсатувларни 14 ёшдан кичик бўлган аудитория мутлақо кўриши мумкин эмас. (Parents Strongly Cautioned). Мазкур категориядаги кўрсатувлар ҳам юқоридаги категория сингари V, S, L, D белгилари остида берилади. Агар 14 ёшдан кичик бўлган аудитория мазкур кўрсатувлар томошасига шайланса, дастур таъсирида унинг руҳиятида кутилмаган ўзгаришлар содир бўлади ва айни пайтда бу салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин.



7. Ёшлар аудиториясига тўғридан-тўғри мўлжалланган кўрсатувлар. (Mature Audience Only). Мазкур категориядаги кўрсатувлар ёшлар аудиторияси учун махсус тайёрланади ва 17 ёшга тўлмаганлар кўриши мумкин эмас. Бунда ҳам трансляциялар жараёнида V, S, L белгиларидан фойдаланилади, Кўрсатувларда бир ёки ундан ортиқ бўлган қуйидаги узвлардан: намоёишкорона қаттиққўллик (субрейтинг V), очиқ жинсий муносабатлар (субрейтинг S), вульгар лексикадан (субрейтинг L) фойдаланилиши мумкин.

Олдинги фаслда айтиб ўтганимиздек, электрон оммавий ахборот воситалари орқали олинadиган, болаларнинг саломатлиги ва

ривожланишига салбий таъсир этадиган ахборотлардан уларни ҳимоя қилиш мақсадида, Россия Федерациясида махсус қонун қабул қилинди. Эндиликда, Россия телеканалларидаги дастурлар махсус белгилар орқали (6+, 12+, 16+ ва 18+) эфирга узатилмоқда. Мазкур белги экран майдонининг 5%дан кам бўлмаган қисмини эгаллаши ва ҳар бир кўрсатув бошланишидан аввал 8 сониядан кам бўлмаган вақт давомида намойиш қилиниши Қонунда белгилаб қўйилган. Дастур давомида бериладиган реклама блогидан сўнг ҳам бу белги экрандан ўрин эгаллаши шарт қилиб қўйилган. Мазкур Қонун жамоатчиликда кенг қизиқиш уйғотди. Айниқса, болалар аудиториясига мўлжалланган дастурларда ҳам бўлиниш пайдо бўлди. Мисол учун, каттаю кичикнинг севимли томошасига айланиб улгурган “Сеними, шошмай тур!” (“Ну, погоди!”) мультфильмининг 12 ёшга етмаганларга кўриш таъқиқлаб қўйилди. Чунки, унда болаларда ҳавас уйғотувчи тамаки маҳсулотлари тарғиботи ҳам бор эди. Бу каби мисолларни нафақат Россия, балки бошқа жаҳон анимацион фильмларидан ҳам келтириш мумкин.

Бугун мазкур фильмлар таржимаси миллий телеканалларимизда ҳам намойиш этилмоқда. Гарчи, гоҳида айрим теледастурларда меъёр бузилганига гувоҳ бўлсак-да, дунёқарашга мутлақо салбий таъсир этадиган чиқишларга йўл қўйилмаяпти. Аввало, минг йиллар давомида шаклланган шарқона тарбия бунга йўл қўймапти. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида келтирилган қуйидаги мулоҳазалар телевизион лойиҳалар тайёрлашда асосий манба бўлиб хизмат қилади: “Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб

олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди”.¹⁹

Глобаллашувнинг ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига ўтказётган салбий таъсири эфирга узатилаётган телевизион лойиҳаларда намоён бўлади. “Оммавий маданият”га берилишнинг салбий оқибатлари ёш авлоднинг ўзини тутиши, муомала маданияти, кийиниш услуби, бир сўз билан айтганда – маънавиятида ўз аксини топади. Телевидениенинг кўп йиллик сайёравий тажрибасидан маълумки, бу восита “оммавий маданият”нинг асосий тарғиботчиси бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Кўрсатувларда хориж каналлари дастурларига кўр-кўрона таклид, миллий менталитетни инобатга олмаслик, телевидениенинг анъанавий мақсад ва вазифаларини тўла эътиборга олишнинг бузилиши оқибатида айрим муаммолар кўзга ташланмоқда. Мавжуд муаммолар илмий нуқтаи назардан ўрганишга муҳтож бўлиб, уларни бартараф этиш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан саналади. Бу курашда оммавий коммуникация воситаси сифатида ТВнинг ўрни ҳар қачонгидан ҳам юқори.

Жаҳон телевидениеси таъсирида “оммавий маданият” домига илиниб қолаётган ёшларни асрашнинг бирдан-бир йўли, улар дидига, савиясига, дунёқарашига, маънавиятига ижобий таъсир этадиган, хориж каналлари дастурларидан сифати юқори бўлган, ижод майдонида баҳсга кириша оладиган, хориж телевизион лойиҳаларидан қолишмайдиган ҳар томонлама мукамал сценарий асосига қурилган профессионал журналистларнинг сара асарларига эҳтиёж юзага келмоқда.

Томоша қилиш имконияти ҳамма учун мавжуд бўлган замонавий телеканаллар асосан катталар аудиторияси учун ихтисослашгандир. Болалар аудиторияси реклама берувчилар учун даромадли канал

¹⁹ Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б.51.

ҳисобланмайди. Шу боисдан ҳам болалар дастурлари ишлаб чиқарувчилар назарида фойдасиз манба сифатида киритилади.

Профессионал социологлар уюшмасининг анъанавий “Медиакоммуникация марказида болалар ва ўсмирлар: долзарб муаммолар” мавзусидаги XI-конференциясида А.В.Шариков TNS компанияси билан ҳамкорликда 2013-йил бўйича олиб борган социологик тадқиқотларининг натижасини тақдим этади. Унга кўра кун давомида Россиялик болалар ва ўсмирларнинг телеэкран қаршисида ўтказган ўртача вақти ҳисоби илованинг 5-жадвалида келтирилган. Бу таҳлилларга асосланиб шуни айтишимиз мумкинки, интернет болалар ҳаётига чуқур кириб борганига қарамай, телевидение ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Қайси телеканал ва дастурлар болалар аудиториясини ўзига жалб этмоқда? Илованинг 6, 7, 8, 9, 10-жадвалларида²⁰ 2013-йилдаги энг оммабоп кўрсатувлар таҳлилининг аудиториянинг ёш кўрсаткичлари асосида ўрганиб саволимизга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Гувоҳи бўлганимиздек, таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, 4-5 ёшли болалар учун хорижий мультфильмлар, 6-8 ёшли болалар учун хорижий мультфильмлар билан бирга миллий мультфильмлар, 9-11 ёшли болалар учун Президентнинг янги табриги, 12-14 ва 15-17 ёшли болалар ҳамда ўсмирлар учун турли сериаллар, футбол матчлари томошаси етакчилик қилади.

Россия телевидениеси умумий эфирнинг 0,4% ни болалар учун тайёрланган дастурлар ва 2,5% ни бадиий фильмларга ажратади.²¹ Бу

²⁰ Приведенные данные были представлены на XI ежегодной конференции Сообщества профессиональных социологов, на секции: Дети и подростки в контексте медиакоммуникаций: актуальные проблемы (16 марта 2014 г. Москва, НИУ-ВШЭ). Шариков А.В. «Особенности телесмотра российских детей и подростков в 2013 году».

²¹ Телевидение для детей в России. Исследование особенностей производства, формирования и распространения программ. Мировой опыт. Отраслевой доклад. // Федеральное агентство по печати и массовым коммуникациям. URL: <http://www.fapmc.ru/ropechat/activities/reports/2013/tv-for-children.html>. (Дата обращения 25 мая 2013 г.).

кўрсаткич қониқарли бўлмаганлиги сабаб ҳам болалар телеканалларига эҳтиёж ортиб бормокда. Бу борада етакчи ўнталикни илованинг 11-жадвалида кўришингиз мумкин.

Психологларнинг таъкидлашича, бола 3 ёшга тўлган сўнг, аста-секин борликни англай бошлайди. Уни ўраб турган нарсалар аввал кўринганидек оддий эмаслигини тушуна боради. Кунлар ўтиб борган сари у ўзи учун янги нарсаларни кашф этади. Шубҳасиз, ўзи учун нотаниш бўлган нарсаларнинг тагига ёлғиз ўзи етолмаслигини англаб, катталарга “у нима?”, “нега унақа?”, “қандай қилиб пайдо бўлган?” каби турли саволлар бера бошлайди. Саволларнинг жавоби уларни қониқтирмаса, телевидение улар учун жумбоқнинг калити ҳисобланади.

Шу сабабдан ҳам болалар аудиторияси билан ишлашда катта тажриба ва етарлича психологик кўникмаларга эга бўлиш талаб қилинади. Болалар учун телеканаллар фаолиятида ҳам болалар психологияси ривожланишининг барча босқичларини инобатга олиниши муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга бу фаслда биз болаларнинг жуда кичиклигидан телевизор томоша қилиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган физиологик асоратлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчимиз: ²²

- бош мия фаолиятининг тўлиқ ривожланмаслиги;
- кўз нури ва кўриш қобилятига зарар етиши;
- катта ва кичик қон томирларида муаммоларнинг юзага келиши;
- тана оғирлигининг ўзгармаслиги.

Яна шунингдек, телевизор томоша қилишни жуда кичик ёшда бошлаган болаларда пайдо бўлиши мумкин бўлган психологик асоратлар қуйидагича:

²² Райнер Пацлаф. «Застывший взгляд». Физиологическое воздействие телевидения на развитие детей. / Перевод с немецкого В. Бакусева. С.110.

- умумий нутқ фаолиятининг тўла шаклланмай қолиши;
- эътиборни жамлай олмаслик синдроми;
- гиперфаоллик;
- тез-тез асабийлашиш ҳолатлари;
- аутизация ва мулоқотнинг бузилиши.

Шу каби физиологик ва психологик асоратларнинг олдини олиш мақсадида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти барча ёш гуруҳи вакиллари учун телевизорни томоша қилиш меъёрларини ишлаб чиқди. Унга кўра:²³

1. Чақалоқлар ва жажжи болалар (0-3 ёш) – таъқиқланади;
2. Мактаб ёшигача бўлган болалар (3-7 ёш) – бир кунда 30 дақиқа;
3. Кичик мактаб ёшидаги болалар (7-10 ёш) – бир кунда 30-50 дақиқа;
4. Юқори мактаб ёшидаги болалар (10-18 ёш) – кунига 1 соатдан 3 соатгача.

²³ Насилие в молодежной среде // Всемирной организация здравоохранения.
 URL: http://www.who.int/violence_injury_prevention/violence/world_report/en/Ch_2RU.pdf (Дата обращения 25 мая 2013 г).

II БОБ. БОЛАЛАР ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИКАСИДА ЭФИР ТАСНИФИ, МАВЗУЛАР КЎЛАМИ ВА МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

2.1. Болалар телевидениесининг эфир таснифи

2010 йилнинг 27 декабрида Россияда “Теленяня” ва “Бибигон” телеканалларининг бирлашуви натижасида “Карусель” деб номланган бепул болалар ва ўсмирлар телеканали иш бошлади. Россия Федерацияси Президентининг буйруғига биноан “Карусель” телеканали умумроссия телеканаллари таркибига киритилиб, фаолиятини бепул олиб борилиши белгилаб қўйилди. Телеканал аудиториясини 3 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ташкил этиб, эфир 24 соатлик тизимда олиб борилади.

Телеканалнинг аналог форматда мамлакатнинг 34 та аҳоли пунктлари кўриш имкониятига эга бўлса, унинг халқаро рақамли формати МДХ мамлакатлари, Болтиқ бўйи давлатлари, Европа, АҚШ, Канада, Исроил ва БААга узатилади.

2011 йилнинг 1 сентябрь санасидан умуммиллий болалар ва ўсмирлар телеканали “Карусель” Россияда уч маҳаллий вақт – “+0” (Москва вақти), “+3” (Омск вақти) ва “+7” (Владивосток вақти) бўйича фаолият олиб боради.

“Карусель” телеканали замонавий болалар ва ўсмирларнинг ҳар томонлама таълим олиши ва ривожланиши, ягона ижтимоий-маданий бирликда бирлашуви ҳамда дунёқарашини кенгайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Шунингдек, “Карусель” телеканали ижодкорлари болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида “Пора в космос!”, “Олимпийцы” ва “История России. Лекции” сингари бир неча лойиҳаларни ишлаб чиқишган.

Телеканал фаолиятини фақатгина болалар учун дастурлар яратиш билан чекланиб қолмасдан, ўтган йилда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 175000 нафар иштирокчи билан хайрия тадбирини ва Россия бўйлар “Цирк Деда Мороза” номли янги йил томошаларини ташкил қилди.


Телеканалда фақатгина ҳомийлик рекламалари мавжуд бўлиб, дастурлар якунида фойдаланилган ўқув анжомлари бошловчилар томонидан реклама қилинади.

<http://www.karusel-tv.ru/> телеканалнинг расмий сайти орқали уни мунтазам кузатиб бориш ва ўзаро мулоқотга киришиш, фикр алмашиш имконияти мавжуд.



Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда “Карусель” телеканалини нафақат болалар, балки катталар ҳам томоша қилишмоқда.


Россия телеканаллари орасида “Карусель”нинг ўртача кунлик улуши 0,7 % ни ташкил этади. Телеканал томошасининг фаоллик ҳолатини уч қисмга бўлиш мумкин.



Биринчи қисм кундузи соат 10:00дан 11:00гача бўлган вақт оралиғини ташкил этади. Бу вақтдаги аудиторияни икки ёшли ва ундан кичик болалар ташкил этади. Иккинчи қисм соат 14:00дан 15:00 оралиғидаги вақтга тўғри келади. Бу вақтда 9-12 ёшли болалар етакчилик қилади. Чунки уларнинг мактабдан қайтиш вақти айнан шу соатларга тўғри келади. Учинчи қисм соат 19:00дан 21:00га қадар бўлган вақт оралиғи аудиториянинг барча ёш қатламларини жамлайди. Соат 21:00дан сўнг телеканал томошасида аудиториянинг фаоллиги пасаяди.

Шунингдек, дам олиш кунларини ҳам эрталабки ва кечкурунги прайм-

тайм ҳолатини кузатишимиз мумкин.²⁴



Аудиториянинг барча ёш гуруҳларидаги ошиб бориш ҳолати соат 09:00дан бошланади. 2 ёшли ва 9-12 ёшли болалар томошасининг фаоллиги соат 10:30 дан, 3 ёшдан 8 ёшгача бўлган болалардаги бу кўрсаткич 09:30 дан бошланади. Соат 13:00 дан 15:00 гача аудитория томошасининг пасайиши ҳолати кузатилади. Соат 17:00 дан бошлаб яна ўсиш ҳолати ва соат 20:00 дан 21:00 гача прайм-тайм. Соат 21:30 дан кўрсаткичнинг пасайиши бошланади.

Германияда болалар телеканаллари орасида етакчи бўлган “KI.KA” ўз фаолиятини 1997 йил 1 январь куни “Der Kinderkanal von ARD/ZDF” номи остида бошлайди. 2000 йилдан бошлаб ҳозирги номи “KI.KA”, яъни “Kinder-Kanal” (таржимада болалар канали) деб қайта номланади.

²⁴ Агентство Интегрированных Маркетинговых Коммуникаций. ООО «Медиа Анлимитед». Исследование аудитории с помощью интернет панели ПКВС. <http://www.tvreclama.ru/advert/reclamaontv/sputnik/karusel/>

“KI.KA” Германиянинг ARD ва ZDF телеканаллари қошида ташкил қилинган бўлиб, 3 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар аудиторияси учун мўлжалланган бепул телеканалдир.

Телеканалнинг эфир соатлари 06:00 дан 21:00 га қадар давом этади. Ҳозирда телеканал эфир дастурларининг 85% ни болалар учун мўлжалланган мультфильмлар ва мультсериаллар ташкил қилади.

Телеканал томошасининг фаоллик ҳолати худди “Карусель” телеканалидаги каби бўлиб, биринчи қисм кундузи соат 10:00 дан 11:00 гача бўлган вақт оралиғини ташкил этади. Бу вақтдаги аудиторияни икки ёшли ва ундан кичик болалар ташкил этади. Иккинчи қисм соат 14:00 дан 15:00 оралиғидаги вақтга тўғри келади. Бу вақтда 9-12 ёшли болалар етакчилик қилади. Чунки уларнинг мактабдан қайтиш вақти айнан шу соатларга тўғри келади. Учинчи қисм соат 19:00дан 21:00га қадар бўлган вақт оралиғи аудиториянинг барча ёш қатламларини жамлайди.

Дам олиш кунлари аудиториянинг барча ёш гуруҳларидаги ошиб бориш ҳолати соат 09:00дан бошланади. 2 ёшли ва 9-12 ёшли болалар томошасининг фаоллиги соат 10:30 дан, 3 ёшдан 8 ёшгача бўлган болалардаги бу кўрсаткич 09:30 дан бошланади. Соат 13:00 дан 15:00 гача аудитория томошасининг пасайиши ҳолати кузатилади. Соат 17:00 дан бошлаб яна ўсиш ҳолати ва соат 20:00 дан 21:00 гача прайм-тайм.

2010 йилдан бошлаб “KI.KA” ўзининг интернетдаги фаолиятини янада ривожлантиришга киришади <http://www.kika.de> шу манзилдаги расмий сайтида телеканалнинг архиви, интерактив хизматлари билан бирга махсус медиа кутубхонаси “ KiKA+Internet aufrufbar” ташкил қилинган. Кутубхона фойдаланувчиларнинг ёш кўрсаткичи 3 ёшлилар, 6 ёшлилар ва 10 ёшлилар каби бўлимларга ажратилган.

2013 йилнинг 30 май куни эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Yoshlar” телерадиоканали” ёпиқ акциядорлик жамияти қошида болаларга

мўлжалланган янги рақамли “Bolajon” телеканалини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. 2013 йилнинг 1 июнидан “Bolajon” телеканали эфирга чиқа бошлади. Эфир вақти соат 07:00 дан 22:00 гача.

“Bolajon” телеканали томошасининг фаоллик ҳолати “Карусель” ва “KI.KA” телеканалларидан фарқ қилади. Биринчи қисм кундузи соат 07:00 дан 10:00 гача бўлган вақт оралиғини ташкил этади. Бу вақтдаги аудиторияни барча ёш қатламларидаги болалар ташкил этади. Иккинчи қисм соат 14:00 дан 16:00 оралиғидаги вақтга тўғри келади. Бу вақтда 9-12 ёшли болалар етакчилик қилади. Чунки уларнинг мактабдан қайтиш вақти айнан шу соатларга тўғри келади. Учинчи қисм соат 19:00 дан 21:00 га қадар бўлган вақт оралиғи аудиториянинг барча ёш қатламларини жамлайди.

Дам олиш кунлари аудиториянинг барча ёш гуруҳларидаги ошиб бориш ҳолати соат 09:00 дан бошланади. 2 ёшли ва 9-12 ёшли болалар томошасининг фаоллиги соат 10:30 дан, 3 ёшдан 8 ёшгача бўлган болалардаги бу кўрсаткич 09:30 дан бошланади. Соат 13:00 дан 15:00 гача аудитория томошасининг пасайиши ҳолати кузатилади. Соат 17:00 дан бошлаб яна ўсиш ҳолати ва соат 20:00 дан 21:00 гача прайм-тайм.

“Bolajon” телеканали дастурлари республикамиз бўйлаб амалдаги рақамли теледастурлар ижтимоий пакети таркибида тарқатилмоқда. Телеканал 3 ёшдан 10 ёшгача бўлган болаларга атроф-муҳитни идрок этиш, миллий қаҳрамонлар, ўзбек халқи ва бошқа халқларнинг дostonлари, эпослари, эртаклари воситасида эзгулик ва адолат тушунчаларини шакллантириш, болаларнинг ақлий ва ижодий фаоллигини ривожлантириш, кўнгилочар-ўргатувчи телевизион кўрсатувлар, мактабгача ёшдаги ва кичик мактаб ёшидаги болалар учун мўлжалланган интеллектуал ўйинлар ва викториналар намойиш этиш орқали уларда ақлий ҳамда жисмоний меҳнатнинг бошланғич кўникмалари ва маданиятини шакллантириш мақсадида ташкил этилган. Янги телеканал дастурларини

тайёрлаб эфирга узатишда жажжи телетомошабинларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, энг замонавий интерактив шакл ва усуллар, рақамли ва мультимедияли технологиялар имкониятларидан фойдаланилмоқда. Шунингдек, болаларнинг хорижий тилларни ўрганишларига кўмаклашиш мақсадида таъсирчан кўрсатувлар тайёрланмоқда. Уларни табиатга оид билим ва кўникмаларини шакллантириш ва ошириш учун атроф-муҳитни асраш, уй ҳайвонлари, паррандалар, аквариум ва хона ўсимликларини парваришлаш тўғрисида кўрсатувлар бериб бориш йўлга қўйилган. Болаларга жисмоний тарбия асосларини сингдириш, спортга қизиқтириш, мусобақа руҳини кучайтириш, саломатликни сақлаш ҳамда санитария-гигиена қоидаларини ўргатиш каби мавзулардаги кўрсатувларга ҳам кенг ўрин берилмоқда.

“Bolajon” телеканалидаги кўрсатувларнинг савияси кундан кунга ошиб борапти. Бу ҳолатни деярли ҳар куни кўрадиган томошабингина сезиши мумкин. Айниқса, болалажонлар иштирокидаги кўрсатувларнинг интерактив тарзда олиб борилиши ҳаммага бирдек қизиқ, албатта! Хусусан, “Билмасвойнинг саргузаштлари” номли саҳналаштирилган кўрсатув ҳам ана шундай тарзда олиб борилаётган кўрсатувлар сирасидандир. Кўрсатув муаллифи Дилдора Комилованинг таъкидлашича, ушбу кўрсатувни ўзининг фарзандлари ҳам қизиқиб кўрар экан. Бир хил декорациялар билан болажонларни зериктириб қўймаслик учун иложи борица ҳар хил мактабгача таълим муассасаларида суратга олишади. Шунингдек, телеканалда намоиш этиладиган “Болаларга ҳайвонлар ҳақида” кўрсатувини кузатганимизда қизиқ бир ҳолатга гувоҳ бўлдик. Ҳар бир ҳайвон ҳақида маълумот берилаётганда албатта уларнинг болалари ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтилади. Бу албатта ҳар бир мактаб ўқувчиси ва ҳатто ундан кичик ёшдаги болажонлар учун ҳам қизиқ. Таъкидлаш жоизки, кундан-кунга “Bolajon” телеканали ўз аудиторияси сонини кенгайтириб бормоқда. Албатта бу қувонарли ҳол.

Мамлакатнинг эртанги тақдирини, энг аввало, бугун камол топаётган ёш-авлод белгилайди. Эртанги кун вориси бўлмиш болажонларнинг ёруғ истиқболи ҳукуматимизнинг доимий назорати остида.

2.2. Болалар телевидениесида мавзулар кўлами

Битирув малакавий ишимизнинг объекти бўлган “Bolajon” (Ўзбекистон), “Карусель” (Россия) ва “KI.KA” (Германия) телеканалларида эфирга узатиладиган барча кўрсатув ва дастурларни қуйидагича таснифлаб чиқдик:

Илмий-маърифий кўрсатувлар:

“Карусель” телеканалида:

“Funny English”, “Академия художеств”, “Английский вместе с Хрюшей и...”, “Берилка учится читать”, “Берилка учится читать. Слоги”, “Кулинарная академия”, “Волшебный чуланчик”, “Лови момент”, “Копилка фокусов”, “Мы идем играть!”, “Няня Аня”, “Подводный счет”, “Почемучка”, “Служба спасения домашнего задания”, “Уроки хороших манер”, “Чаепитие”, “Спроси у Всезнамуса!”, “Смешные факты”, “Русская литература. Лекции”, “Ребята и зверята”, “Путешествуй с нами!”, “Пора в космос!”, “Нарисованные истории. Продолжение”, “Кругосветное путешествие вместе с Хрюшей и...”, “История России. Лекции”, “Естествознание. Лекции+Опыт”, “Есть такая профессия”, “ГОЛОВАстики”, “Копилка фокусов”, “Форт Боярд”, “Большие буквы”, “Вопрос на засыпку”, “Жизнь замечательных зверей”, “Звёздная команда”, “Спроси у Всезнамуса!”, “Ребята и зверята”, “Забавная наука”, “Естествознание. Лекции и опыты”, “Властелин ума”, “Школа Волшебства”, “Чаепитие”, “НЕОкухня”, “Космическая экспедиция”, “Простая наука”. “В гостях у Витаминки”, “Маленький шеф”.

“Bolajon” телеканалида:

“Funny English”, “Билагон болажон”, “Қувноқ алифбо”, “Bravo English”, “Инглиз тили сабоқлари”, “ABC Kids”, “Қувноқ алифбо”, “Қўшимча дарс”, “Сирли ўрмонча”, “Йўл сабоқлари”, “Эртакчи болажонлар!”, “Эртаклар оламида”.

“KI.KA” телеканалида:

“Sesamstraße”, “KiKANiNCHEN”, “Löwenzahn”, “Willi wills wissen”, “Wissen macht Ah!”, “OLI's Wilde Welt”, “Quergelesen”, “Du bist kein Werwolf – über Leben in Paubertät”, “KIKALIVE”, “KUMMERKASTEN”, “Kurz+click”, “Unser Sandmännchen”, “TRICKBOXX. Kino!”, “Trickfabrik”, “Terra MaX – Besuch aus der Vergangenheit”, “Tigerenten Club”, “Checker Can”».

Муסיкий дастурлар:

“Карусель” телеканалида:

“Поющая Фа-Соль”, “Театральная Фа-Соль”, “Танцы под Фа-Соль”, “Фа-Соль Мастерская”, “Фа-Соль в цирке”, “Смешные праздники”.

“Bolajon” телеканалида:

“До-Ми-Сол”, “Bulbulcha”.

“KI.KA” телеканалида:

“TANZALARM!”, “Sesamstraße präsentiert: Ernie & Bert Songs”.

Телевикториналар:

“Карусель” телеканалида:

“За семью печатями”, “Звездная команда”, “Вопрос на засыпку”, “Большие буквы”. “Сразись с нацией”, “Мультстудия”, “В гостях у Деда-Краевода”, “Дальние страны”, “В гостях у Деда – Краевода”, “Аркадий Паровозов спешит на помощь”.

“Bolajon” телеканалида:

Телеканал мундарижасида телевикториналар элементлари бўлган дастур ва кўрсатувлар мавжуд, бироқ махсус телевикториналар яратилмаган.

“KI.KA” телеканалида:

“Die beste Klasse Deutschlands – Superfinale 2013”, “ERDE AN ZUKUFT”, “1,2 oder 3”, “3,2,1...keins! – Das OLI-Quiz”.

Кўнгилочар дастурлар:

“Карусель” телеканалида:

“Спроси у Всезнамуса!”, “Спокойной ночи, малыши!”, “Ребята и зверята”, “Про палитры и пюпитры”, “От носа до хвоста”, “НЕОкухня”, “Навигатор Апгрейд”, “Навигатор”, “Мультстудия”, “Мода из комода”, “Копилка фокусов”, “История искусств вместе с Хрюшей и...”, “Жизнь замечательных зверей”, “Волшебный чуланчик”, “Чудо Путешествия”, “Мода из команда”, “Маленький шеф”, “Говорим без ошибок”, “Давайте рисовать!”, “Дорожная азбука”, “Пойми меня”, “Уроки хороших манер”, “Какое ИЗОбразие!”, “Школа волшебства”.

“Bolajon” телеканалида:

“Саёхатчи, болажон”, “Табиатга саёхат”, “Катта танаффус”, “Эртақлар оламида”, “Яшил сайёра”, “Ланди-Ланди”, “Салом, болажон!”.

“KI.KA” телеканалида:

“Die Sendung mit dem Elefanten”, “ENE MENE BU – und dran bist du”, “Die Sendung mit dem Elefanten”, “Siebenstein”, “Die Sendung mit der Maus”, “Die Sendung mit der Maus”, “Web vs, Promi”.

Спорт кўрсатувлари:

“Карусел” телеканалида:

“Мастер спорта”, “Зарядка с чемпионом”, “Прыг-Скок Команда”, “Спорт – это наука”, “Олимпийцы”.

“Bolajon” телеканалида:

“Қувноқ стартлар”, “Болажон гимнастикаси”, “Соғлом болажон”.

Ахборот дастурлари:

“KI.KA” телеканалида:

“Logo! Die Welt und ich”, “Pur+”, “Neuneinhalb – Deine Reporter”.



Таҳлилларимиз натижаси шуни кўрсатдики, “Карусель” телеканалнинг мавзулар кўлами бўйича етакчилик 54 % кўрсаткич билан илмий-маърифий дастурларга қаратилган. Кейинги поғоналарда 26% кўнгилочар дастурлар, 8% мусикий дастурлар ва 6 % кўрсаткич билан спорт дастурлари ва телевикториналар.






Диаграмма натижаларига кўра, телеканалнинг ҳафталик мундарижасида 39% кўрсаткич билан дастурлар юқори поғонани эгаллашган. Кейинги поғоналарда 29 % мультсериаллар, 16 % мультфильмлар, 13% сериаллар, 3% фильмлар.



Юқоридаги диаграмма асосида айтишимиз мумкинки, “Карусель” телеканали кўрсатувлари мундарижасидаги ўзгаришларни дам олиш кунлари дастурлар, мультфильм ва фильмлар сонининг ошиб бориши ҳамда сериал ва мультсериалларнинг пасайишида кузатишимиз мумкин.



“KI.KA” телеканалининг мавзулар кўлами бўйича етакчилик 52 % кўрсаткич билан илмий-маърифий дастурларга қаратилган. Кейинги поғоналарда 21% кўнгилочар дастурлар, 12% телевикториналар, 9% ахборий дастурларлар ва 6% муסיқий дастурлар.



Диаграмма натижаларига кўра, телеканалнинг ҳафталик мундарижасида 62% кўрсаткич билан мультсериаллар юқори поғонани эгаллашган. Кейинги поғоналарда 23 % дастурлар, 12 % сериаллар, 2% фильмлар, 1% мультфильмлар.



Юқоридаги диаграмма асосида айтишимиз мумкинки, “KI.KA” телеканали кўрсатувлари мундарижасидаги ўзгаришларни дам олиш кунлари дастурлар, мультфильм ва сериаллар сонининг ошиб бориши ҳамда мультсериаллар сонининг камайиб унинг ўрнини мультфильмлар эгаллашини кузатишимиз мумкин.

Энди бевосита “Bolajon” телеканали бўйича таҳлилларни келтириб ўтсак.

“Bolajon” телеканалининг мавзулар кўлами бўйича етакчилик 49 % кўрсаткич билан кўнгилочар дастурларга қаратилган. Кейинги поғоналарда

27% илмий-маърифий дастурлар, 19% спорт дастурлари, 6 % кўрсаткич билан муסיкий дастурлар эгаллаган. Телевикториналар йўқ.

“Bolajon” телеканалининг ҳафталик мундарижасида 67% кўрсаткич билан дастурлар юқори поғонани эгаллашган. Кейинги поғоналарда 10 % фильмлар, 9% мультсериаллар, 7 % мультфильмлар, 4% спектакллар ва 3% сериаллар.

2.3. Болалар тележурналистикасида маҳорат масалалари

Телебошловчиларнинг профессионал самардорлиги кўп жиҳатдан уларнинг малакасининг даражасига боғлиқ. Профессионал малака деганда одатда мутахассис амалиётда қўллайдиган билимлар ва кўникмалар назарда тутилади.

Малака – бу ишга доир вазифаларни бажариш ва керакли самарага эришиш учун зарур бўлган билим ва кўникмалардан иборат қобилиятдир.²⁵ Бунга телебошловчининг самарали фаолияти учун зарур сифатлар ва хусусиятлар киради. Улар қуйидагилар:

1. Профессионаллик – бу касб фаолияти билан боғлиқ вазифаларни бажаришда профессионал билим ва кўникмаларни тўлақонли қўллай билиш қобилиятидир.
2. Коммуникативлик, яъни мулоқотга киришимлилиқ – турли мақомга эга инсонлар (томошабинлар, ходимлар, телеканал раҳбарияти, ҳамкасблар, ҳамкорлар ва бошқалар) билан самарали мулоқот қила

²⁵ Борецкий Р., Кузнецов Г. Журналист ТВ в кадре и за кадром. – М., 1990. – С. 114.

билиш, алоқалар ўрнатиш, маълумот олиш ва уни қайта ишлаган ҳолда томошабинга етказишда сўздан моҳирона фойдаланиш, вербал ва новербал воситаларни усталик билан қўллаш маҳоратидир. Телекоммуникация жараёнининг самараси телебошловчилар ўзи мўлжал қилган томошабинлар аудиториясини қанчалик яхши билиши ва тасаввур қилишига боғлиқ бўлади.

3. Креативлик, яъни ижодкорлик (ҳар бир ишга ижодий ёндоша билиш қобилияти) – бу янги, бетакрор ғояларни ярата олиш қобилиятидир. Бунда фаолиятнинг бир турида орттирилган ижодий кўникмалар бошқа турда қўл келмаслиги мумкин. Яъни, ҳар бир турдаги ишга креатив (ижодий) ёндашиш керак.
4. Ташаббускорлик – янги вазифаларни зиммасига олган ва масулиятни ҳис қилган ҳолда, фаолиятда вазифаларни ҳал қилишдаги янгича ёндашувларни қўллаш.
5. Ривожланган интуиция қобилияти – воқеалар ривожини олдиндан кўра билиш, умуман узоқни кўриш, устувор йўналишларни тўғри белгилаш, ахборот сифатини баҳолай олиш, аудитория кутган нарсани бера олиш, унинг талаб ва эҳтиёжларини яхши тушуниш ҳисси.
6. Ижтимоий мослашувчанлик – янги шароитларга тезда кўника олиш, ижобий ўзгаришларни тушуниш ва қўллаб қувватлаш, ўзгарувчан вазиятда самарали фаолият кўрсата олиш, доимий равишда касб маҳоратини оширишдан эринмаслик.
7. Масъулиятлилиқ – ўз иши, профессионал фаолиятининг маҳсулоти томошабинда чақирган реакция учун масъулиятли бўлиш қобилияти. Билим ва ахборот телебошловчининг стратегик ресурси бўлиб хизмат қилади ва ундан оқилона, виждонан фойдаланиш учун масъулият ҳиссини ҳар бир журналист ўзида шакллантириши лозим.

8. Стрессларга чидамлилиқ – шахснинг стрессни енгиб ўтиш, унинг профессионал фаолияти сифатига таъсир кўрсатмаслигини таъминлаш қобилияти.

Юксак даражадаги профессионализмдан ташқари улар аудитория билан мулоқот қилиш борасида муайян тажрибага эга бўлишлари, маълум бир фазилатлар, хулқ-атворга хос юксак стандартлар, ифодалилиқнинг вербал (оғзаки) ва невербал воситаларини юксак даражада қўллай билишлари лозим.

Умуман, профессионал маҳорат тушунчаси илмий адабиётларда одатда қуйидагича таърифланади: “Профессионал маҳорат – бу профессионал малака даражаси, ўз касбига оид билимларни касб фаолиятига алоқадор вазифаларни бажаришда қўллай билишдир. Журналист касб маҳорати даражасини у тарқатаётган ахборот сифатига қараб баҳолаш керак”²⁶.

Журналистиканинг асосий вазифаси (болалар ёки катталар бўлишидан қатъи назар) аудиторияга қизиқарли бўлган воқеа, ҳодиса, вазият, жараёнлар ҳақида зарур бўлган ахборотни етказиб бериш билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, болалар ва катталар журналистикасида аудиторияга ахборот узатиши билан бири-бирига ўхшашдир. Фарқли жиҳати эса биринчи навбатда аудиториянинг турлича эканлигидадир. Яъни, болалар журналистикаси аудиториясини 3 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларни ташкил этади. Иккинчи томондан болалар журналистикаси ижодий жиҳатдан мураккаброқ. Чунки улар ҳали борлиқни ўз дунёларида, тасаввурларида кўришини ҳисобга олиш зарур. Шу маънода уларга бериладиган ахборот шунга мос бўлиши керак. Худди шу масала бўйича узоқ йиллар “Ғунча” журналида бош муҳаррир бўлиб ишлаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Яйра

²⁶ Цвик В.Л. Телевизионная служба новостей. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. – С.167.

Саъдуллаеванинг фикрлари бунга ёрқин мисол бўла олади, деб олишимиз мумкин:

“...болалар журналистикаси – қийин соҳа. Маҳорат билан бирга болаларга нисбатан ўта яқинлик, оналарга хос меҳр бўлиши керак. Ўзини ўраб турган муҳитни, ташқи дунёни болаларча кўра олиш жуда муҳим. Катталар матбуотида айтиладиган саҳифа-саҳифа гапларни ярим ёки бир қоғозда ифодалашга мажбурсиз. Чунки боланинг қабул қилиш қобилияти ва сабри шунгагина етади. Мен кичкинтойларни назарда тутяпман. Ёки, дейлик, болаларга бир ўйин ҳақида ёзмоқчисиз. Ўша ўйинни болалар билан бирга ўйнашингиз керак. Ана ўшандагина боланинг дилидан нима ўтаётганини, у нимани ҳис этаётганини биласиз. Болалар журналистининг зийраклиги ҳам шунда. Айтишади-ку, “Ниҳолни қандай парвариш қилсанг, шунга яраша ҳосилини оласан”, деб. Болалар учун ёзилган матнда (у хоҳ мақола бўлсин, хоҳ лавҳа) “бугунги ҳаёт”, “замон талаби”, “тарбия” каби сўзларни қўлламасдан давр руҳини сингдириш керак. Ҳар бир сўз болани тарбиялашга, уни тўғри йўлга бошлашга хизмат қилиши лозим.

Болалар журналистини мен эзгулик тарғиботчилари деб атаган бўлардим. Бу соҳада ёзадиганлар ҳалол, покиза, содда ва ростгўй бўлишлари зарур. Албатта, болаларни яхши кўриши керак.”²⁷

Оммавий ахборот воситаларида болалар мавзусига бағишланган материалларни ёритишда журналистика назариясининг қонун-қоидалари ва етакчи тамойилларига амал қилиш жуда муҳимдир. Шу нуқтаи назардан болалар мавзусида тайёрланган ҳар қандай материалга биринчи навбатда журналистик асар сифатида ёндашиш зарур.

Болалар мавзусини ёритиш уларнинг ҳуқуқларини билиш, улар билан боғлиқ мавзуларда аниқ далилларга асосланиши билан бирга,

²⁷ Атакулова Э. Кичкинтой қалби – Ватан ичра ватандир! (Я.Саъдуллаева билан суҳбат) // “Маърифат” газетаси. 2012 йил 2 июн.

уларнинг ёши, психологияси, ижтимоий аҳволига боғлиқ ҳолатларга журналист албатта, эътибор бериши керак бўлади. Бу эса журналистнинг касбий ахлоқ меъёрларига амал қилиш лозимлигини тақозо этади. Шу нуқтаи назардан журналист болалар мавзусини оммавий ахборот воситаларида ёритар экан, аввало қатъий равишда ахлоқий меъёрларга риоя этиши лозим.

Журналист материални ёритаётганда аниқ, содда ва тушунарли ёзиши керак. Фактларни имкон борича кўпроқ бериши, ҳаддан зиёд бадиий бўёқлардан қочиши ва услубга эътибор қаратиши материалнинг самарадорлигини оширади. Энг муҳими журналист сўзлар ва тушунчаларни ўз ўрнида ишлата билиши, халқаро сўзларни таржима қилмай бериши, (агар сўзлар нотўғри таржима қилинса материалнинг мазмуни ўзгариб кетади), абривиатурадан қочиши ва уларни шарҳлаб бериши керак.

Юқорида келтириб ўтган назарий қарашларимизни тадқиқотимиз объекти бўлган “Volajon” (Ўзбекистон), “Карусель” (Россия) ва “KI.KA” (Германия) телеканаллари кўрсатувларининг муаллиф ва бошловчилари маҳорати масалаларини таҳлил қилсак.

“Bravo English” кўрсатуви маҳоратли бошловчи Дилноза Мамадалиеванинг лойиҳаси асосида эфир юзини кўрди. Унинг ғояси билан болажонлар бугун инглиз тилида бемалол сўзлаша оляпти. Кўрсатув икки тилда: инглиз ва ўзбек тилларида олиб борилади. Яна бир муҳим жиҳати ҳар галги сон қизиқарли ва кўришли бўлиши учун табиат қўйнида, ҳайвонот боғларида ва болажонлар учун мўлжалланган майдончаларда тасвирга олинади. Бошловчи сифатида Дилбар Каримова таклиф этилган. Уни олиб бораётган эфирини профессионал даражада деб бўлмайди. Сабаби инглиз тили жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак унинг маҳорати етарли лекин журналистик назарий билим ва аудитория билан мулоқотга киришиш жараёнида бир мунча камчиликлар кўзга ташланади.

“Болажон устахонаси” кўрсатуви ўзининг қофиядош сўзларни шоирона талқинида телетомашабинлар эътиборига тушган ёш бошловчи Гулҳида Жўраева муаллифлиги остида ташкил этилган. Устахона “устаси” турли ёшдаги болажонлардан иборат. Кўрсатувнинг ҳар галги сониди бошловчи болажон тенгқурларга қўл меҳнати орқали яшаш мумкин бўлган буюмлар, жумладан, ўйинчоқлар, ҳайвонларнинг тасвирини рангли қоғозлар орқали ясаб кўрсатади. “Болажон устахонаси” кўрсатувининг асосий мақсади болажонларни иқтидорини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган.

“Билағон болажон” кўрсатуви асосан мактаб ёшидаги болаларга мўлжалланган бўлиб, унда болаларнинг билими синовдан ўтказилади. Бу кўрсатув “Ёшлар” телерадиоканалида эфирга узатиладиган “Имкон шоу” ток-шоусининг мантикий давоми бўлиб болажонларга мослаштирилган кўриниши дейишимиз мумкин. Унда ҳам шартлар “Имкон шоу”дек бир хил, аммо саволлар болажонларимиз ёшидан келиб чиқиб тайёрланади. Кўрсатувнинг камчилигига тўхталадиган бўлсак, биринчидан унинг бошловчиси ёш жиҳатдан бу дастурга тўғри келмайди, иккинчидан, “Имкон шоу” ҳам “Билағон болажон” ҳам битта эфир саҳнасида тасвирга олинади. “Билағон болажон” учун саҳна безакларини унинг аудиториясига мослаштириш керак.

Бир сўз билан айтганда, “Bolajon” телеканали ўз фаолиятини бошлаганига кўп бўлмаган бўлса-да, ўз аудиториясига эга бўлиб бормоқда. Лекин телеканалда асосан “Yoshlar” телерадиоканали ижодкорлари фаолият олиб бораётганлиги сабаб “Bolajon” ўз имижини шакллантира олмаяпти. Бунга сабаб бевосита болаларга ихтисослашган профессионал журналистларнинг йўқлигида.

“Карусель” телеканалида фаолият олиб бораётган ҳар бир журналист-бошловчиларни профессионал маҳорат эгалари дея айтишимиз мумкин. Ричард Бондарев (“Берияка учится читать”), Ольга Шорохова

(“Берияка учится читать. Слоги”), Женя Кривцов, Саша Матвеев (“Большие буквы”), Анна Бегунова (“Волшебный чуланчик”), Юрий Внуков (“Мы идём играть!”), Марина Ланда (“Смешные праздники”), Андрей Ургант (“Властелин ума”), Ольга Шелест (“Пойми меня”) бу рўйхатни ҳали узоқ давом эттиришимиз мумкин. Улардаги актёрлик, ижодкорлик ва педагогик маҳорати телеканалнинг оммалашувидаги асосий омиллардан биридир.

“KI.KA” телеканалида барча кўрсатув ва дастурлар Ben, Jess, Juri, Alex, Felix, Singa каби бошловчиларнинг муаллифлигида тайёрланади. Олти кишидан иборат бу жамоа вакиллари 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларнинг спорт, мусиқа ва замонавий технологиялар борасидаги қизиқишлари натижасида “KI.KA” телеканали мундарижасида ўзига хос дастурлар яратилмоқда.

Бу жамоанинг ташаббуси билан <http://www.kika.de> манзилида телеканалнинг расмий сайти иш бошлаган. Сайтда телеканалнинг архиви, интерактив хизматлари билан бирга махсус медиа кутубхонаси “KiKA+Internet aufrufbar” ташкил қилинган.

Сайтнинг DerKiKa бўлимида жамоа аъзолари ҳар куни онлайн тарзида аудитория вакиллари ва уларнинг ота-оналари билан мулоқотга киришадилар, улардаги мавжуд муаммоларнинг ечимини биргаликда ҳал қилишади. Бу ижодий жамоа шу каби ютуқлари билан “KI.KA”нинг “юзи”га айланиб улгуришди.

ХУЛОСА

Бугун болалар тележурналистикаси ҳар томонлама жадал ўсиб бормоқда. Болалар тележурналистикаси болалар қалбини, дунёқарашини тадбиқ ва таҳлил эта бошлагани бу соҳада ҳали жиддий ўзгаришлар содир бўлишидан дарак бермоқда. Катталар журналистикасидан кўра болалар учун материал тайёрлаш анча қийин ва мураккаб. Агар журналистда истеъдод билан бирга, болалик қалби бўлмаса, болалар учун яхши нарсa ёза олмайди. Болаларни маънавий камолотга етказишда болалар тележурналистикасининг ўрни алоҳида.

“Биз фарзандларимизни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаравонлигига эришишдек олий мақсад сари етаклашимиз керак. Агар биз бу масалада сусткашликка, бепарволикка йўл қўйсак, болаларимизни бошқалар етаклайди. Ёш қалб, ёш инсон ҳамиша маънавий етакчига мухтож”.²⁸ Президентимиз Ислom Каримовнинг ушбу сўзлари жамият фуқароларига, халқимизга қаратиб айтилган бўлса-да, аммо бу оммавий

²⁸ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б. 189

ахборот воситаларига бевосита ва билвосита таалуклидир. Шу нуқтаи назардан ёш авлоднинг фикрлаш даражасини юқори чўққиларга чиқаришда, унинг ақл ва идрокини такомиллаштиришда, “мен”ини англашда болалар тележурналистикасининг ўрни катта.

У томошабинда теран мушоҳада ва фикр уйғотиши, маънавий етакчилик вазифасини ўташи жиҳатидан жамият тараққиётини белгиловчи омиллардан биридир. Болалар тележурналистикаси баркамол авлод тарбиясида бошланғич вазифани бажаради. Катталар телевидениесининг томошабинларини ҳам аслида болалар учун тайёрланган кўрсатувлар тарбиялаб, вояга етказди. Хуллас, катталар дунёсига, катта ҳаётга йўл болалар тележурналистикаси орқали бошланади.

Болалар тележурналистикасининг бош мақсади ёш авлод онгида Ватан ва миллатга эътибор, ўзи туғилган юрти, шаҳрига ифтихор туйғусини шакллантириш билан бирга, илм, маърифатпарварлик ва комил инсонликка даъват қилишдир. Бундаги масъулият эса ҳамиша катталар, юксак тафаккурли шахслар зиммасига юкланиб келинган ва у турли тарихий даврларда турлича кўринишда намоён бўлган. Болалар тележурналистикасининг муҳим ҳарактерли жиҳати жамиятнинг долзарб муаммолари, воқеа ҳодисаларини бола тилида, улар идрок қила биладиган даражада етказа билиш бўлса, унинг асосий хусусияти болаларда ижтимоий фикр уйғотишга хизмат қилишдир.

Болалар телеканаллари хоҳ у Германия, хоҳ Россия, хоҳ Ўзбекистонда фаолият юритмасин, уларнинг йўналиши, структураси, олдига қўйган мақсадлари бир-биридан фарқ қилмайди. Болалар телеканалларининг оммавий ахборот воситалари ичида ўз ўрни ва жамиятни ахборот билан таъминлашдек вазифани адо этишда ўзига яраша муносиб ҳиссаси бор. Болалар телеканаллари болаларни билимдон, дунёқараши кенг, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ бўлиб вояга етишларида муҳим воситалардан ҳисобланади.

“Болалар тележурналистикасининг шаклланиши ва тараққиёти (Миллий ва халқаро тажриба: қиёсий таҳлил)” мавзусидаги битирув малакавий ишни тадқиқ қилиш давомида қуйидаги хулосаларга келдик:

Биринчидан, болалар тележурналистиканинг ўзига хос хусусиятларини миллий ва халқаро телеканаллар мисолида қиёсий ўрганиб чиқилди. Бу борада “Bolajon” телеканали ҳамда бевосита Россиянинг “Карусель”, Германиянинг “KI.KA” телеканалларининг фаолияти мисолида таҳлил этилди. Болалар тележурналистикаси ўзига хосликларини ҳам миллий, ҳам хорижий телевидение амалий фаолияти асосида кўрсатиб берилди ва зарурий илмий хулосалар ишлаб чиқилди.

Иккинчидан, I боб бўйича болалар телевидениесининг шаклланиш асослари, болалар тележурналистикаси пайдо бўлишининг тарихий зарурати, болалар тележурналистикасининг ўзига хос хусусиятлари ва болалар аудиторияси билан ишлашнинг психологик асосларини ўрганиб таҳлил қилинди.

Учинчидан, II боб бўйича болалар тележурналистикасида эфир таснифи, мавзулар кўлами ва маҳорат масалаларини “Bolajon” (Ўзбекистон), “Карусель” (Россия) ва “KI.KA” (Германия) телеканаллари фаолияти қиёсида ўрганиб чиқилди.

Олиб борган тадқиқот ишимизнинг таҳлили ва хулосаларига асосланиб, қуйидаги таклиф ва тавсияларни беришимиз мумкин:

1. Болалар журналистикасига ихтисослашган журналист кадрларни тайёрлаш керак.
2. “Bolajon” телеканалининг сайтини яратиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш керак.
3. “Bolajon” телеканалини имижини яратиш мақсадида унинг дизайнини қайта кўриб чиқиш керак (ранглар, логотип, дастурларнинг номлари).
4. Эфир мундарижасини информацион дастурлар, интеллектуал

ўйинлар, викториналар билан бойитиш керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ

- 1.1. Каримов И.А. Ватанимиз равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
- 1.2. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

II. МАХСУС АДАБИЁТЛАР

- 2.1. Егоров В.В. Телевидение: страницы истории / В.В. Егоров. – М.: Аспект Пресс, 2004.
- 2.2. Когатько А.Г. Телевидение для детей: теория, история, перспективная модель функционирования: дис.канд. филол. наук. – М., 2007.
- 2.3. Кузнецов Г.В. Так работают журналисты. – М.: Издательство Московского университета, 2004.
- 2.4. Леонтьев А. Н. Деятельность, Сознание. Личность. М.: Смысл, Академия, 2005.
- 2.5. Обухова Л.Ф. Возрастная психология: учебник / Л.Ф. Обухова. – М.:

Издательство Юрайт МГППУ, 2011.

2.6. Пацлаф, Р. Застывший взгляд. Физиологическое воздействие телевидения на развитие детей. Пер. с нем. В. Бакусева. / Райнер Пацлаф. – М.: Evidentis, 2003.

2.7. Свитич Л.Г. Социология журналистики. – М.: ИМПЭ им А.С. Грибоедова, 2005.

2.8. Телевизионная журналистика: Учебник, 5-е издание, переработанное и дополненное. / Под ред. Кузнецова Г.В., Цвика В.Л., Юровского А.Я. – М.: МГУ, 2005.

2.9. Телевидение в России. Состояние, тенденции, перспективы развития. Отраслевой доклад ФАПМК. – М., 2012.

2.10. Телевидение глазами телезрителей / Аналитический центр «Видео Интернешнл»; Под редакцией Полуэхтовой И.А. – М.: ООО «НИПКЦ Восход-А», 2012.

2.11. Федеральный закон «О защите детей от информации, причиняющей вред их здоровью и развитию». – М.: Эксмо, 2012.

2.12. Цвик В.Л. Телевизионная журналистика: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по специальности 030601 «Журналистика» / В.Л. Цвик. -2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИДАНА, 2009.

2.13. Цымбаленко С.Б. Российские подростки в информационном мире. – М.: UNICEF – Юнпресс, 1998.

2.14. Цымбаленко С.Б., Шариков А.В., Щеглова С.Н. Информационное пространство российского подростка в постсоветский период (социологический анализ). – М.: НИИ Школьных технологий, 2006.

2.15. Юровский А.Я. История тележурналистики в России / под. ред. Г. В. Кузнецова, В. Л. Цвика, А.Я. Юровского. – М. : Высшая школа, 2002.

III. ХОРИЖИЙ АДАБИЁТЛАР

3.1. Baacke D., Lenssen M., Röllecke R. Von Mäusen und Monstern - Kinderfernsehen unter der Lupe. Bielefeld 1997.

3.2. Bundesforum Familie, Arbeitsgemeinschaft der deutschen Familienorganisationen e.V. (Hrsg.): Familien und Medien - vernetzte Familien. Chancen fördern, Teilhabe sichern, Risiken vermeiden. Beratungsergebnisse des Bundesforums Familien 2000-2002. Bonn 2002.

IV. МАТБУОТ НАШРЛАРИ

4.1. Когатько А.Г. История отечественного телевидения для детей (на примере программ для дошкольников, младших и средних школьников) // А.Г. Когатько // Вестник МГУ. – 2007.

4.2. Собкин В.С., Евстигнеева Ю.В. Подросток: виртуальность и социальная реальность. // По материалам социологического исследования. Труды по социологии образования. Том VI. Выпуск X. – М.: Центр Социологии Образования РАО, 2001.

4.3. Шариков А.В., Чудинова В.П. Детское телевидение. Взгляд социолога // Дети и культура / Отв. Ред. Б.Ю.Сорочкин. М.: КомКнига, 2007.

4.4. Шариков А.В. Детских телепрограмм становится все меньше // Медиаобразование. 2005. № 1.

V. ИНТЕРНЕТ МАНБАЛАР

5.1. www.mtrk.uz

5.2. <http://www.karusel-tv.ru>

5.3. <http://www.kika.de>

VI. ТАДҚИҚОТЧИ ТОМОНИДАН ЧОП ЭТИЛГАН ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР

6.1. Меликулова М. Германияда болалар телеканаллари фаолиятининг ўзига хосликлари // Замонавий масс медианинг янги тенденциялари ва долзарб муаммолар мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: 2014. – Б. 32-34.

6.2. Меликулова М. Ўзбегимнинг “Bolajon”и 1 ёшда! // www.fikr.uz 2 июнь 2014 йил.